74
C-55

TDPU
TOSHKENT DAVLAT
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

# ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Книга должна быть возвращена не позже указанного здесь срока

| Количество предыдущих выдач | |
|---|---|
| 3.03 2020 | |
| 5.04 2021 | |

УДК: 74.

74.
С.55.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ

0910

# ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

(методик қўлланма)

5110800 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабалари учун

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ-2014

**Аннотация**

Мазкур методик қўлланмада муаллиф тасвирий санъат бакалавр йўналишида ўқитишнинг замонавий технологияларини қўллашнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Қўлланманинг мақсади – талабаларни замонавий таълим технологиялари методикаси билан танишиш ва уни тасвирий санъат машғулотларида қўллаш ҳақида тушунчалар бериш. Китобда педагогик технологияларнинг қскача ривожланиш босқичи ҳақида олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабалар тасвирий санъатни ўқитишда замонавий педагогик технологияларини қўллаш жараёни учун мўлжалланган.

Қўлланма бакалавр мўтахассислиги: 5110800 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналишида ўқиётган педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

**Аннотация**

В данной методическое пособие автор подчеркивает важную роль современный технологии в преподавании изобразительного искусства на отделение бакалавриат по специальности изобразительное искусство. Цель книги – рассказать студентам о использование новых технологий ознакомление с методикой работы новыми педагогическими технологиями и их использование на занятиях изобразительного искусства. В пособии излагается краткий исторический курс развития педагогических технологий, рассматривается методы и приёмы овладения новыми педагогическими технологиями на занятиях изобразительного искусства.

Пособие предназначена для студентов-бакалавров высших педагогических учебных заведений обучающихся по направление «5110800»-изобразитеьное искусство и инженерьная графика.

**Abstract**

In this guide, the author emphasizes the important role of modern technology in teaching fine arts department at the Master's degree in fine arts. The purpose of the book - to tell the students about the use of new technologies with the introduction of new pedagogical methodology technologies and their use in the classroom art. The manual presents a brief historical course of development of pedagogical techniques, methods and techniques considered learning new teaching technologies in the classroom art.

The Allowance is intended for student-bachelor of the high pedagogical educational institutions training on direction "5110800"-graphic arts and engineering graphics.



Муаллифлар: Ражабов Равшан Каримович.
Султанов Ҳайтбой Эралиевич.
Худойбердиев Пардабой Ўсканович

Масъул мухаррир: тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти: Р.Ш. Халилов.

Тақризчилар: ТДПУ доцент, п.ф.н С.Ф. Абдирасилов.
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори:

Низомий номидаги ТДПУ Санъат факультети Илмий кенгашининг 26.02.2014 йилдаги 3-сонли йиғилиши баённомасида ўқув методик қўлланма нашрга тавсия этилган.
Қайднома № 3

## Кириш

«Тасвирий санъат технологияси» фанидан таълим технологияси «Олий таълим муассасаларида маъруза ва семинарларни ўқитиш технологияси» методик қўлланмасида баён этилган дарс машғулотлари янги технологияларни қўллаш қонун-қоидаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Талабаларга билим беришда замонавий таълим технологияларининг аҳамияти тўғрисида сўз борганда Президентимиз И.А.Каримовнинг "Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор"[1] деган сўзларини таъкидлаш ўринлидир. Бу масала "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ҳам асосий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган. Китобда келтирилган таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машғулотнинг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини мужассамлаштирган. Шунингдек, бу ўқув машғулотининг технологик картасини, яъни ўқитувчи ва талабанинг мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятининг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади. Китоб таркиби кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари, ҳар бир мавзу бўйича маъруза ва семинар машғулотларида ўқитиш технологиясидан иборат. Маълумотлар максимал даражада умумлаштирилган ва тартибга солинган. Уларни ўзлаштириш ва ёдда сақлаб қолишни кучайтириш учун жадвал ва чизмалардан фойдаланилган. Китобнинг концепсуал асослари қисмида дастлаб «Тасвирий санъат технологияси» фанининг долзарблиги ва аҳамияти, мазкур ўқув фанининг таркибий тузилиши, ўқитишнинг усул ва воситаларини танлашда таянилган концепсуал фикрлар, коммуникациялар, ахборотлар берилиб, сўнгра лойиҳалаштирилган, ўқитиш технологиялари тақдим қилинган.

[1] Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.



**Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий технологияларни қўллашнинг зарурияти ва мақсад, вазифалари.**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, кўп маротаба илғор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уктирилган.

Кейинги йиллар ичида яратилган, педагогикага бағишланган адабиётларда «Педагогик технология», «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология» каби тушунчалар кўп учраб тургани билан уларнинг ўзбек тилидаги маромига етган таърифи ҳали тузилмаган.

Республикамизнинг педагог олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар.

Бу ерда, нима учун бугунги кунда педагогик технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Жамиятимизга қанчадан-қанча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни етиштириб келган педагогика услублари мавжуд-ку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қолган ва мафкуралаштирилган жойларини ўзгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайдими?- деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан мана шу йўлдан бормоқда. Бу йўл иложсизликдан излаб топилган бўлиб, қисқа муддат хизмат қилиши мумкин. Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йўл узоқ хизмат қилолмайди. Чунки: биринчидан, маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан ортда қолиб кетган жамиятимиз тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун халқ таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланишнинг зарурлиги;

иккинчидан, анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «Ахборотли ўқитиш» сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги;

учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

тўртинчидан, кишилик жамияти уз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули хисобланган объектив борликка мажмуий ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб килишидадир.

Педагогик технология юкорида санаб ўтилган бешта сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Таълим технологияларини ишлаб чикиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадкикотлар олиб боришни кўзда тўтади.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари педагогика илмининг тадкиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуби бўлибгина қолмай, тасвирий санъат фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида кайд килиниши лозим.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иктисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормокда. Аммо тасвирий санъат сохасида ва, айникса, тасвирий санъатни ўқитишда депсиниш ва умумий тараккиётдан оркада колиш сезилмокда. Бундай нохуш вазиятдан чикиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини кабўл килинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришдир.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффакият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халкимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим сохасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда тасвирий санъат машғулотларида қўлланиладиган педагогик технологияларни яратиш лозим.

Технология, деганда, субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология хар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутади.

Илмий-техник тараққиёт нафақат аксарият ишлаб чиқариш соҳасинигина технологиялаштиради, балки у маданият, таълим соҳаларига ҳам кириб бормокда. Бугунги кунда информацион ахборот, тиббиёт, таълим ва бошка технологиялар тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Тарихан технология тушунчаси техник тараққиёт билан боғлиқ равишда юзага келган ва бу тушунча санъат, ҳунар ва фан хакидаги таълимотга мувофиқ келади.

Технология деганда, одатда ашёларни қайта ишлаш методлари ва ишлаб чиқариш жараёни ҳамда уларнинг илмий тавсифларининг мажмуи тушунилади. Сиёсий луғат (М., 1989)да технологияга шундай изоҳ берилади: 1) ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр ашёларни қайта ишлаш, тайёрлаш ҳолати, хусусияти, шаклининг ўзгариш методлари йиғиндиси; 2) ашёлар, материаллар ва ярим хом ашёларга



мувофиқ ишлаб чиқариш қуроллари орқали таъсир ўтказиш усуллари тўғрисидаги фан.

«комусий луғат»да шунга яқин изоҳ берилади, лекин уни бирмунча кенгрок ёритади: «Фан сифатида технологиянинг вазифаси хар томонлама самарали ва тежамли ишлаб чиқариш жараёнларини аниклаш ва амалиётда ундан фойдаланиш мақсадида физика, кимё, механика ва бошқа қонуниятларини бажариш.» (М.,1979)

Технология грекча сўз бўлиб, технос - санъат, маҳорат, логос- таълимот деган маъноларни билдиради.

Педагогик технология педагогнинг талабаларга таъсир қилишни ташкил этиш бўйича касбий аҳамиятга молик малакалар тизимини аниқлаб беради, педагогик фаолиятнинг технологиклигини англаш усулларини таклиф этади.

Ҳозирги давр таълим технологиялари муаммоси, педагогик инновация тажрибалари уларни бир тизимга тушириш ва аниқлаштиришни талаб қилади. Олий мактаб олдида педагогик технологияларнинг илмий асослари, уларнинг таснифи, моҳиятини очиб бериш ва ўқув жараёнининг технологиклиги муаммоларини таъминлаш масаласи турибди.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмдан мустаҳкам ўрин эгаллади, лекин уни педагогиканинг мукаммал луғатлари (тезаурус)даги ўрни ҳали номаълумлигича қолмоқда.

Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳакидаги таълимот деб ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

В.П. Беспалко педагогик технологияни амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси сифатида белгилайди. У педагогик тизим технологиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Бунда асосий диққат ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратилади, дидактик вазифа ва ўқитиш технологиялари тушунчасидан фойдаланилади. Шу тариқа В.П. Беспалко ўқув жараёнини лойиҳалаш ғоясини илгари суради, афсуски, педагогик технология ва лойиҳа тушунчалари ҳақида аниқлик йўқ.

Педагогик технология таълим жараёнига жадаллик билан кириб бораётган бўлса ҳам, унинг мақоми ноаниқлигича қолиб кетмоқда. Тадқиқотчиларнинг ишларида фан ва амалиёт оралиғидан ўрин эгалламоқда.

Н.Ф.Тализина ҳар бир педагог реал педагогик жараённи ташкил этишдан олдин ўқув жараёни ҳақида технологик даражада билимлар тизимини билиб олган бўлиши шарт деб ҳисоблайди. У фан ва амалиёт оралиғида тамойилларни олға сурувчи, методлар ишлаб чиқувчи, уларни изчил қўллаш каби масалалар билан шуғулланувчи алоҳида фан бўлиши керак, деб ҳисоблайди, уларсиз педагогик жараён асосланмай қолади (технология реал ўқитиш жараёни сифатида).

Айрим муаллифлар ўқитиш технологияларига фан ва санъат оралиғидаги фан деб қарайдилар, бошқалари уни лойиҳалаш билан боғлайдилар.

Шундай қилиб, бир ёндашувда ўқитиш технологиялари ўқитишнинг барча воситаларини қамраб олган қандайдир жиҳозлаш сифатида ҳам белгиланади. Унда технология ўқув жараёнини техниклаштиришни тақозо қилади.

Бошқа ёндашувда технологияга таълим амалиётини янги ёки замонавийлаштирилган билимлар билан таъминлашнинг усули сифатида қарашга имконият беради. Бунда технологияга таълимнинг илмий тамойиллари ва амалиётини татбиқ этиш сифатида қаралади.

Технология тушунчаси 60-йиллардаги Америка ва ғарбий Европада таълимнинг ислоҳ қилиниши билан боғлиқ равишда кириб келди. Б.Блум, Ж. Королл, П.Я.Галперин, В.И.Давидов, Н.А.Менчинская, З.И.Калмикова, Л.И. Занков технологиялари машҳур. Ўқитишни ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П.Беспалко, Н.Ф.Тализина, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткина, Г.С.Сухобской, Т.В.Кудрявцев, А.М. Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва дидактикачиларга таaллуқлидир.

Технологик ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ўқитиш технологиялари бўш технологиялангани бўйича қолиб кетмоқда. Бир қатор технологияларда назарий асослар кучайтирилган, амалий томони у қадар ойдинлаштирилмаган.

Т.А.Балло технологиянинг бир томонини, яъни ўқитишда топшириқли ёндашувни ёритади. Бошқаларида ё компютер орқали дастурлаштирилган ўқитиш ёки ўқитишнинг муаммоли тузилмаси ажралиб туради.

Л.В. Занков, Т.Я.Галперин, В.И.Давидов тадқиқотларида босқичли ўқитишнинг яхлит технологиялари ҳақида фикр юритилади.

1. Педагогик технологияда ҳали кўп аниқланмаган масалалар бор. Бу муаммони тадқиқ этиш ўқитиш технологиясининг тушунчаси ва методологик моҳиятини аниқлаш билан боғлиқ.

Педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади.



Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

«Педагогик технология – психологик ва педагогик ўгитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради» (Б.Лихачев).

«Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси» (В.П. Беспалко).

«Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи» (И.П. Волков).

«Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси» (В.М. Шепел).

«Педагогик технология – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир.» (В.М.Манахов).

«Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

«Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради» (М.В.Кларин).

«Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади». (Г.К. Селевко).

Бу таърифлар таҳлилидан педагогик технология натижани қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва тадбиқ этиш деган хулосага келиш мумкин.

Таълим технологияси деганда таълимнинг белгиланган мақсади ва талабанинг билим даражасига кўра ўқув фаолиятини бошқаришнинг назарий лойиҳаси ва педагогик тизимнинг амалда бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилади.

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияси бирор назария ва мақсад асосида ишлаб чиқилади. Педагогик тизимнинг амалда бўлиши,

унинг мосланувчанлиги ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари, уларнинг технологик ва индивидуал меъёрлари билан боғланган. Бунда ушбу технологияларнинг мослашувчанлиги, уларнинг вариативлиги, талаба хатти-ҳаракатларининг босқичлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитиш технологияси сатҳида ўқув жараёнининг барча компонентлари ёритилади.

Шахсга йўналтирилган технология асосида талабаларнинг интеллектуал ва эмоционал-мотивацион ривожланиши, билим ва касбий малакалар шаклланиши, таълим жараёнига қадрият сифатида ёндашиш муносабатини таъминлаш, фаолликни ошириш, ўз-ўзини англаш ва мустақиллигини шакллантириш ётади.

Бу тадқиқотларни таҳлил қилган ҳолда ушбу таърифни бериш мумкин:

Педагогик технология таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равишда ривожлантириш тизими лойиҳасидир.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси буйича бундай ижтимоий ҳодисани педагогик технология деса бўлади.

Педагогик технология ижтимоий зарурият бўлганлигидан юқорида айтиб ўтилгандек даставвал АҚШда 70-йилларда фалсафанинг бихивиоризм оқими заминида юзага келиб, бошқа ривожланган мамлакатларга тез тарқалиб кетди.

XX асрнинг 90-йиллари бошида социализм нураб, унга аъзо бўлган давлатлар бирин-кетин мустақил бўлганидан кейин, ҳар жихатдан тараққий этган хорижий мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам кенг йўл очилди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий-маърифий алоқалар ўрната бошладилар. Натижада юртимизга илғор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар қатори жаҳондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар ҳам кириб келди.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар қаторида таърифлаган В.П.Беспальконинг фикрича, «ПТ-бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир».



Россия олимларидан В.М.Монахов: «ПТ-аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир»,- деган қисқача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади. «ПТ–ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён турғунлигини ошириб, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади»,-дейди.

М.В Кларин фикрича, ПТ-ўқув жараёнига технологик ёндошган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад курсаткичларидан келиб чиқиб ўқув жараёнини лойиҳалашдир.

В.П.Беспальконинг ўзбекистонлик шогирдларидан Нурали Саидахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича, ПТ-бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир курсатиши ва бу фаолият махсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л. Фарберман педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: ПТ таълим жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт холга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир.

Бу таърифларни узоқ хорижда берилган таърифлар билан солиштириб кўриш учун япон педагог олими Т.Сакомото берган таърифни келтирамиз. «ПТ,-дейди Сакомото, -бу тизимли-мажмули фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмуга келтиришдир».

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКО нинг таърифи буйича, «ПТ-бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини узаро узвий боғлиқ ҳолда куриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда куллашда тизимли ёндашув усулидан фойдаланишдир».

Келтирилган таърифларни илмий-фалсафий нуктаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, узоқ хорижда берилган таърифлар билан МДХ мамлакатлари олимларининг берган таърифлари бир-бирига якин келса-да, фарқи ҳам анчалигини кўрамиз. Жумладан, Сакомото ва ЮНЕСКО таърифларида мажму ёндашув тамойилига адоҳида урғу берилган. МДХ олимларининг ПТ га берган таърифларида тизимли ёндашув эслатиб утилгани билан, ўқув жараёнининг лойиҳаси тузилаётганда уни мутлақ унўтиб, тизимли ёндашув тамойилининг қонун ва қоидаларига сира ҳам амал қилинмаганини кўрамиз.

Ҳақиқатда эса, объектив борликка тизимли ёндашув тамойилини яхши билган кишига, Сакомото айтганидек, «ПТ-ўқув жараёнини муайян бир тизимга келтиришдир», деган тушунча кифоя килади. Бу тушунча оркали ПТ нинг бошқа ҳамма хусусиятларини, яъни мақсадга йўналтирилганини, бир неча узаро узвий боғлиқ бўлган кисмлардан ташкил топганлигини ва бошқаларни англаб олса бўлади. Чунки бу хусусиятларнинг ҳаммаси, тизимлар назариясига биноан, тизим деб ном олган нарса ва ҳодисаларнинг ажралмас сифатларидир.

Педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, сузсиз, ўқув жараёнига тизим сифатида ёндашишдир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ҳодисалар узаро функционал боғликликда бўлиб, бир бутунликни, яъни педагогик жараён тизимини ташкил килади. Педагогик жараён тизимининг муайян бир вакт мобайнида боскичма-боскич амалга оширилиши педагогик технология дейилади.

Педагогик технологиянинг аввалги услублардан афзаллиги, биринчидан, у таълим жараёнини бир бутунликда куриб, таълим мақсади, унинг мазмуни, билим бериш усуллари ва воситалари таълим боскичларини лойихалаб, таълим жараёнини назорат килиш ва таълим натижаларини бахолаш каби кисмларини узаро узвий боғлиқ тизимга келтириб туриб, унинг лойихасини тузишидадир.

Иккинчидан у талабаларнинг узларига берилган билимни ёдлаб олиб айтиб беришига эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида амалий ишларни бажарилишига йўналтирилганлигидадир.

Илмий асосланиб, яхши лойихалаштирилган педагогик технология буйича ҳар кандай ўқитувчи ҳам, аъло бўлмаса-да, яхши дарс ўтади. Чунки педагогик технологияни педагог олим, методист ёки илғор тажрибали ўқитувчилар тузади, шу боис уларнинг педагогик махорати педагогик жараён лойихасида уз ифодасини топган бўлади.

ПТ-бу жамият эхтиёжидан келиб чикиб, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида куриб, уни ташкил килувчи кисмлари бўлган ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини бахолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.

Технологик ёндашув ишлаб чикаришдан олинган бўлиб, унда минглаб технологик жараёнлар лойихалаштирилган. Улар ишлаб чикаришда керакли натижаларга эришиш гарови хисобланади. Бу технологияларни куллаш вактида худуд ва уларнинг ижрочиси узгарса ҳам, керакли махсулот чикаверади. Таълим-тарбия жараёнида ҳам шунга эришиш учун педагогик технология ишлаб чикилди.



Педагогик технология, умуман олганда, репродуктив (нусха олиш) дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни ўқувчи (талаба)ларга типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган.

Педагогик технологиянинг узига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойихалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойихалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий курсатмали тузилмада уз ифодасини топади.

Педагогик технологияни тушуниш учун асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам узаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси хисобланган таълим олувчининг хатти-ҳаракати оркали ўқитишдир. Узаро алоқа педагогик технология асосини ташкил килиб, ўқув жараёнини тулик камраб олиши керак.

Демак, анъанавий ўқув жараёнида асосий омил педагог (ва унинг фаолияти) хисобланса, педагогик технологияда биринчи ўринда укиш жараёнидаги ўқувчиларнинг фаоллиги куйилади.

Педагогик технологиядаги репродуктив билим бериш жараёнида дарс аниқ бўлакларга бўлиниб, ҳар бир бўлагида ўқувчи (талаба) лар билиши шарт бўлган натижалар кўрсатилади. Ўқув материаллар дарс мақсадидан келиб чикиб, модулларга бўлинган бўлади. Ҳар кайси модулга тест саволлари тузилади. Ўқув жараёни аниқ саволларга конкрет жавоблар топишга курилган бўлиб, саволлар ва жавоблар узаро узвий боғликликда бўлиши натижасида бир бутунликни, яъни тизимини ташкил килади.

Педагогик технологияни яратиш тамойилларининг биринчиси–муайян дарс, мавзу, кисм, ўқув предметидан кутилган асосий мақсадни шакллантириб олиш; иккинчиси–умумий мақсаддан келиб чикиб, дарсни ёки ўқув предметини модулларга ажратиб, ҳар бир модулдан кутилган мақсадни ва модуллар ичида хал килиниши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш; учинчиси-модул ичида ечиладиган масалаларнинг ҳар бири буйича тест саволларини тузиб чикиш; тўртинчиси –мақсадлар аниқ бўлиб, тест саволлари тузилгандан кейин, мақсадларга етиш усуллари танланиб, уларни ишлатадиган аниқ жойларни белгилаб олиш.

Таълим жараёнига технологик ёндашув пайтида, аввал айтиб утганимиздек, тизимли ёндашув тамойилига биноан дарс қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликларга ва фанлараро алоқаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу педагогик технологиянинг бешинчи тамойили ҳисобланади.

**Педагогик технологиянинг принциплари, кўринишлари, даражалари, таснифи.**

**Педагогик технологияларнинг характерли белгилари:**

- таълим ва тарбия мақсадининг босқичма-босқич ишлаб чиқилиши;

- ўзлаштиришга тегишли ахборотларнинг тизимлилиги, тартиблилиги, жамланганлиги;

- дидактик, техник ва шу жумладан ўқитиш ва назоратда компьютер воситаларининг уйғунликдаги қўлланилиши;

- таълим ва тарбиянинг диагностик вазифаларини кучайтириш;

- таълимнинг етарли даражада юқори даражада кафолатланиши.

**Олий таълим муассасаларидаги таълим технологияси** - талабалар қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг мўтахассис тайёрлаш мазмуни ва мақсадларига мос бўлган метод, усул, шакл ва таълим воситаларини лойиҳалаш, амалга оширишга қаратилган педагог ва талабаларнинг психологик, умумпедагогик, дидактик, хусусий методлар тадбирларининг ўзаро боғлиқлиқ тизимини ифодалайди.

**Янги педагогик технологиянинг асосий принциплари.**

Янгиланаётган таълим тизимида якуний натижа, хохлаймизми, хохла - маймизми, бевосита таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган ўқитувчи меҳнатининг қандай ташкил этилишига бориб тақалаверади. Таълим зиммасига қўйилаётган улкан вазифалар эса таълим беришга муносабатни, ёндошувни ўзгартиришни тақозо этмоқда. Бироқ хозирдаги ислохотлар жадаллиги мавжуд назарияни тезроқ амалиётга тадбиқ этишни талаб этади.

Янги технологияларни лойихалаш ва улардан таълим-тарбия жараё - нида фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар педагогик технология (ПТ) нинг ўзига хос жихатларини ифода этади ва методикадан фаркли томонларини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, уларни ПТ принциплари, деб аташ мумкин.

**Принцип** – юнонча - "princip" сўзидан олинган бўлиб, асос, дастлабки холат, бошқарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади.

Биз педагогик технология принциплари деганда лойихаланган ўқув - тарбиявий жараённи амалга оширишга юқори натижаларга эришиш учун риоя килинадиган умумий меъёрлар, қоидалар ва талабларни тушунамиз. Демак, у ёки бу педагогик ходиса принцип бўлиши мумкин,



качонки уни ўқув жараёнида ҳисобга олиш (риоя қилиш) зарур бўлса, яъни унга таянилса.

Олиб борилган таҳлилий - синтетик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ПТ принциплари дидактик принциплардан тубдан фарқ қилади ва ўзида муҳим сифат кўрсаткичларини мужассамлаштиради.

"Аслида ҳам мактаб (лицей, коллеж, гимназия, олий ўқув юрти) амалиёти ПТнинг моддий воситалари китоблардан, техник жихозлардан ва ўқитиш методикаларидан кўпдан буён фойдаланиб келинади ёки олдиндан режалаштирилган таълим-тарбия жараёни ўқитувчи фаолияти орқали амалиётга жорий этиляпти. Шу билан биргаликда **ПТ** - бу котиб колган, сиқувга олинган лойиха эмас, балки таълим ва тарбия самарадорлигини белгиловчи катор омилларни баҳолаш имконини бера оладиган ижодкорлик, яратувчилик, фидойилик фаолияти натижасидир."[2]

**Педагогик технология кўринишлари**

Педагогик фаолиятда «технология» атамасининг қўллана бошлаши билан педагогик амалиёт, унинг назарий жиҳатлари ҳамда улар ҳақидаги билдирилаётган мулоҳазалар бир мунча юқори илмий даражага кўтарилмоқда. Педагогик технология ҳозирги замондаги дидактика ва педагогика тараққиётининг маҳсули. Уни педагогиканинг ҳозиргача мавжуд бўлган ҳамда такомиллашиб келаётган барча асосий йўналишлари бўйича амалий вазифаларни янада юқорироқ даражада амалга ошириш йўлидаги янги босқич деб ҳисоблаш мумкин.

Шу нуқтаи назарлардан педагогик технологияни аввало ҳозирги педагогика фани тараққиёти натижасида ҳосил бўлган янги йўналиш деб ҳисоблаган ҳолда, унинг ўзига хос бўлган тамойиллари, қоидаларини чуқур ўрганиб бориш ва пировардида қонуниятларини аниқлаш йўлидаги муаммоларни ечиш лозимлиги кўриниб турибди.

Педагогик технология ижтимоий хаётнинг турли соҳалари билан ўзаро боғлиқ равишда шаклланиб ва ривожланиб бориши натижасида турлича кўринишларда намоён бўлади. Бўлар педагогик технологиянинг қуйидаги кўринишларидан иборат: ижтимоий ходиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси.

Педагогик технология ижтимоий ходиса сифатида таълим-тарбия масалалари билан боғлиқ мотивлар: эхтиёж, талаб, манфаат, қизиқиш,

[2] А.М. Ахмадалиева "Иннавашион фаолият ва илғор педагогик технологиялар" (ўқув қўлланма)Тошкент–2006

максадлардан келиб чикади ва уларни амалга ошириш учун хизмат килади. Педагогик технология аввало таълим-тарбияни янада ривожлантириш эхтиёжларини кондириш йўлидаги инсонлар (педагоглар, ота-оналар, жамоатчилик) фаолиятидан иборат ижтимоий ҳодиса ҳисобланиши лозим. Жамият ҳар бир аъзосининг таълим-тарбия даражаси ортиб бориши шу жамият ва давлатнинг ривожланишидаги энг асосий шартлардан ҳисобланади.

Бу шартнинг бажарилиши эса ўз навбатида, педагогик технологиянинг қанчалик юқори даражада эканлигига боғлиқ. Бундан эса педагогик технология шахс, оила, жамият, давлат ҳаёти учун катта аҳамиятга эга ижтимоий ҳодиса эканлиги кўринади.

Педагогик технология назарий фан сифатида педагогика фанининг алоҳида йўналишини ташкил қилади. Ўз мақсади, вазифалари, муаммолари, методологияси ва бошқа назарий асосларига эга. Ўз муаммоларини ҳал қилишда бошқа кўп фанлар билан боғлиқликларга эга.

Педагогик технология назарий фан сифатида таълим-тарбия соҳасида кафолатли натижага эришиб бориш даражасини ошириш муаммоларини тадқиқ қилиш билан шуғулланади.

Ўқув фани кўринишида педагогик технологияларни ижтимоий ҳодиса, назарий фан, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари, алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси сифатида турли таълим муассасаларида белгиланган ўқув дастури асосида ўргатишдан иборат.

Таълим-тарбия тизими кўринишида педагогик технология белгиланган таълим-тарбия фаолиятини амалга ошириш учун хизмат қилувчи моддий таъминот ва маънавий қадриятлардан иборат. Бунга ўқув режа, дастурлар ва дидактик воситалар ҳам киради. Бу тизим бошқа ижтимоий тизимлар каби тегишлича махсус тайёргарликка эга мўтахассислар меҳнати орқали фаолият олиб боради.

Ҳозирда бу тизим узлуксиз таълим босқичларидан ташкил топган. Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларида педагогик технологиялар жорий қилиниши билан бу тизимнинг тўлиқ шаклланиши амалга оширилади.

Педагогик технология таълим-тарбия жараёни сифатида иштирокчиларининг фаолиятлари орқали амалга оширилади. Бу жараённинг пировард мақсади баркамол инсонни шакллантириш ва ривожлантириш бўлиб, асосан қуйидагилардан таркиб топади:

— таълим-тарбия бериш;

— ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш;

— мустақил фикрлашга ўгатиш;



— билим, кўникма, малакаларни ўргатиш ва ўзлаштирилишига эришиш;

— турли методикаларни қўллаш ва такомиллаштириш;

— диагностика, мониторинг олиб бориш;

— инсонпарварлик, халқпарварлик, мафкўравий тамойилларга асосланиш;

— талабанинг тайёргарлик даражасини, психологик, физиологик, ёш хусусиятларини, гигиеник талабларни ҳисобга олиш;

— таълим менежменти, маркетинги талаблари ва хулосаларини, ижтимоий мотивларни ҳисобга олиш.

Педагогик фаолият ва унинг методикалари қурилишида педагогик технология ўзини тўлиқ намоён қилади. Педагогик технологиянинг ҳаракатга келиши ва ундан кўзда тутилган натижага эришиш фақат педагогик фаолият жараёнида амалга оширилади. Чунки педагогик технология ва педагогик фаолият бир-биридан ажратиш қийин тушунчалар ҳисобланади ва уларнинг бири иккнчисисиз ўз маъносини ва аҳамиятини йўқотади.

Ўқув фанларининг сони кўплигини ҳисобга олганда, педагогик фаолиятнинг кўп қисми хусусий (ўқув фанлари) педагогика технологияси учун сарфланади. Шунинг учун хусусий фанлар даражасидаги педагогик технологиялар кўпроқ тарқалган. Шу айтилганлар асосида педагогик технология, энг аввало, педагогик фаолият ва унинг методикалари кўринишида намоён бўлади ва ривожланиб боради, деб ҳисоблаш мумкин.

Алоқадор фанларнинг илмий тадқиқот соҳаси сифатида педагогик технологияларнинг турли фанлар билан боғлиқиклари яққол кўринади. Педагогик технология кенг кўламли ижтимоий ҳодиса бўлиб, у кўп фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Бунда ҳар бир фан ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ йўналишларда педагогик технологияни чуқур ўрганиши натижасида уни такомиллаштириб бориш йўл-йўриклари белгилаб борилади.

Педагогик технология барча ўқув фанлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳамда ўзининг мунтазам ривожланиб боришини кадрлар тайёрлаш орқали таъминлаб туради.

Педагогик технологиянинг юқорида айтилган кўринишларининг асосий белгиларини аниқлаш ва умумлаштирган ҳолда қисқа шаклда ифодалаш орқали унинг асосий таърифини ва бошқа белгиларини аниқлаш мумкин.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисалар каби педагогик технологияни ҳам илмий жиҳатдан ўрганувчи фан соҳаси мавжуд бўлиб, уни педагогик



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
0910

технология фани деб номланади. Шу педагогик технология фани ўз навбатида замонавий таълим-тарбиянинг энг мақсадга мувофиқ йўллари ва усулларини тадқиқ қилувчи назарий фан ҳамда ўқув фани турларига ажралади.

Шу билан бирга педагогик технология амалий фаолият йўналиши сифатида ўқув-тарбия жараёнида қўлланиладиган тамойиллар, алгоритмлар ва бошқарув тизими ҳамда бевосита таълим-тарбия жараёнини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, ҳозирда педагогик технологияни ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, таълим-тарбия жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси кўринишларида мавжуд деб ҳисобланади.

**Педагогик технология даражалари**

Юқорида айтилганлар асосида педагогик технологияларни умумпедагогик, хусусий (ўқув фанлари) ва кичик технологиялардан иборат учта даражага ажратилади.

Умумпедагогик технология турли даражадаги тизимларни ифодалайди. У айрим ҳудуддаги, тумандаги, таълим муассасасидаги ёки таълимнинг айрим поғонасидаги барча таълим-тарбия жараёнига тегишли бўлади. Умумпедагогик технология ўз ҳудуди ёки таълим муассасасидаги таълим-тарбиявий мақсадлар, мазмун, воситалар, бошқарув шакли ва усуллари, ўқув-тарбия жараёни иштирокчилари фаолиятининг алгоритмларини белгилайди.

Хусусий технология таълим-тарбия мазмунининг айрим йўналишларини амалга ошириш усуллари ва воситалари мажмуасини ўз ичига олувчи педагогик тизимларни қамраб олади. Бунга айрим фанларни ўқитиш технолгиялари, раҳбарнинг, ўқитувчининг, тарбиячининг ва талабанинг ишлаш технологиялари киради.

Кичик технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида қисмларини ўз ичига олади. У айрим дидактик ва тарбиявий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Бўларга дарслар технологияси, тушунчаларни шакллантириш, янги билимларни ўзлаштириш ва мустақил ишлаш технологиялари, айрим фаолият турлари ва алоҳида шахсий сифатларни тарбиялаш технологиялари, ўқув материалларини такрорлаш, ўзлаштиришни ва тарбияланганликни назорат қилиш технологиялари ҳамда айрим тадбирларни ташкил қилиш ва амалга ошириш технологиялари киради.

**Педагогик технология таснифи**

Мактаблар ишининг ҳозирги назарияси ва амалиётида ўқув-тарбия жараёнининг кўплаб вариантлари мавжуд. Ҳар бир муаллиф ҳамда



амалиётчи педагогик жараёнга ўзининг индивидуал улушини қўшади. Лекин кўп технологиялар ўз мақсадлари, мазмуни, қўлланадиган методлари ва воситалари бўйича етарлича кўп ўхшашликларга эга ва уларни шу умумий белгиларига кўра қуйидагича таснифланади: (1-жадвал)

**1. Қўлланилиш даражасига кўра:**

- умум педагогик;
- хусусий методик (предметлар);
- локал (модули);

**2. Фалсафий асосига кўра:**

- материалистик;
- идеалистик;
- диалектик ва метофизик;
- илмий ва диний;
- гуманистик ва антигуманистик;
- эркин тарбия ва мажбурий ва ҳоказо;

**3. Психик ривожланишнинг етакчи омили бўйича:**

- биоген;
- социоген;
- психоген;
- идеалистик технологиялар.

Маълумки шахс биоген, социоген, психоген, факторлар тўплами таъсирида шаклланади, бироқ аниқ технология улардан бирини олиши мумкин:

**4. Тажрибани ўзлаштириш илмий концепцияси бўйича :**

- ассосациатив рефлекторли;
- ривожланувчи; бихевиористик, интериоризаторлик

**5. Шахсий хусусиятларга йўналтирилган:**

- ахборот технологияларини (билим, кўникма, малакаларни) шакллантириш.

**6. Ақлий фаолият операциялари:**

- руҳий,ахлоқий ва бадиий ;
- ўз-ўзини ривожлантириш технологияси;
- эвристик (ижодий қобилиятларни ривожлантириш) ва амалий;

**7. Мазмун ва тузилишига кўра:**

- ўргатувчи ва тарбияловчи;
- дунёвий ва диний;
- умумтаълим ва касбий таълимга йўналтириш;
- ижтимоий;
- турли тармоқли;
- хусусий предметли;
- политехнологиялар, монотехнологиялар;
- кириб борувчи технологиялар;

**8. Билиш фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш турига кўра Педагогик технологияларни қуйидагиларга ажратиш мумкин.**

- классик маърузавий ўқитиш.
- аудиовизуал техник воситалар ёрдамида ўқитиш.
- "Консультант" тизими.
- "Ўқув китоблари" ёрдамида ўқитиш.

1- технологияда талабанинг ўқув жараёнида тутган ўрнини ва педагогнинг талабаларга нисбатан бўлган муносабати муҳим ўрин тўтади. Бунда қуйидаги технологияларни ажратиш мумкин:

**а) Авторитар технология.** Бунда педагог ўқув тартибловчи жараёнининг асосий субеъкти, талаба эса, фақат объект сифатида катнашади. У талабалар - нинг эркинлигини бўғиши, мажбурий ўқитиш, ташаббусни бўғиш ва ўқув тарбиявий жараёнини қаттиқ қўллик билан олиб боришга асосланади.

**б) Дидактоцентрик технологиялар** - талаба шахсига эътибор бермаслик билан ажралиб туради. Бунда ҳам субъект-объект муносабат бўлиб, шахсни шакллантира олиш, дидактик воситаларидан иборат бўлади.

**в) Шахсга йўналтирилган технологиялар** - бунинг марказида талаба шахси уни ривожлантириш учун, барча шароитларни яратиш, унинг тарбиявий салоҳиятини намоён қилишга ёрдам бериш ётади. Бунда талаба шахси фақаттина субъект бўлмай, приоритетга эга бўлган субъект бўлади.



Бунда у таълимий тизимнинг мақсадига айланади. Бундай технологиялар "антропоцентрик технологиялар" дейилади.

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган технологиялар антропоцентрик, гуманистик ва психотерапистик, ҳар томонлама эркин, ижодий ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат.

**г) Инсонпарвар - шахсий технологиялар** - инсонпарварлик моҳияти билан ажралиб туради, унга ёрдам беради, қўллаб-қувватлайди. Талабанинг кучига ҳурмат, ундаги кобилиятларни очилишига ёрдам бериш ва мажбурий таълим-тарбияни рад этади.

**д) Ҳамкорлик технологиялар** - у демократизм, тенглик, ғояларини илгари суради ва ўқитувчи талаба муносабатларида субъект-субъектга асосланади. Ўқитувчи ва талаба таълим-тарбия мақсади мазмунини ишлаб чиқади. Ҳамжиҳатлик билан ўз фаолиятларига баҳо қўяди.

**е) Эркин тарбия технологияси** - бунда талабага барча йўналишлар бўйича эркин танлаш ҳуқуқи берилади. Танлаш давомида талаба субъект нуктаи назарини намоён қилади ва натижага ташқи таъсирдан эмас, балки ички куч воситасида эришади.

**ж) Эзотермик технология** - бўлар эзотермик ("англанмаган, билиб туриб") билимларга - ҳақиқат ва унга олиб борувчи йўлларга асосланади. Бунда педагогик жараён хабар бериш, мулоқот қилишдан иборат бўлмай, балки, ҳақиқатга пайванд бўлиш билан иборат бўлади. Экзотик парадигмада инсонинг ўзи коинот билан ўзаро ахборот алмашиш марказига айланади.

Ўрганувчилар тоифаларига кўра педагогик технологиялар қуйидагиларга бўлинади:

– **Оилавий (анъанавий) технология** - у ўртача талабага асосланган.

– **Чуқурлаштириб ўқитиш технологияси** - гимназия, лицей, махсус таълим.

– **Тарбияси қийин бўлган ва иқтидорли талабалар билан ишлашга мўлжалланган технологиялар.**

Мавжуд бўлган ўқитиш тизимларини модернизация қилиш ва модификация қилиш асосига қурилган технологиялар:

**А)** Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократиялаштириш асосидаги педагогик технологиялар. Унга Ш.А. Амомашвиллининг ҳамкорлик, инсонпарвар - шахсий технологияси киради.







**Б)** Талабаларнинг фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш асосига қурилган педагогик технологиялар. Масалан: ўйинли технологиялар, Шаталовнинг таянч сигналлар конспекти асосида ўқитиш технологиялари.

**В)** Ўқитиш жарёнини ташкил қилиш ва бошқариш самарадорлигига асосланган педагогик технологиялар. Ўқитиш жараёнининг самарадорлигини ташкил қилиш ва бошқаришга асосланган педагогик технологиялар. Масалан: дастурли ўқитиш, дифференциаллашган ўқитиш технологияси, индивидуаллаштирилган ўқитиш технологияси.

Ўқитишнинг гуруҳли ва жамоавий усуллари, компьютерли технологиялар ва хоказолар.

**Г)** Халқ педагогик технологияси. Масалан: табиат билан ўхшашлик."[3]

**Анъанавий ва ноанъанавий педагогик технологиялар**

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси XXI аср бўсағасида турар эканмиз, ортда қолган йиллар қадрини ва келажак ҳаётининг турли жабҳаларини белгилаб олишга уриниши табиийдир. Жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида фаолият кўрсатаётганлар ҳам бундан мустасно эмас.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов таълим тушунчасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднин барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кор, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади».[4] Таъкидланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг янги моделини яратишни тақозо қилади. Моделни амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув-тарбиявий жараённи янги педагогик технологиялари балан таъминлаш» унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Бугунги кунда таълим технологияларини шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

1. **Анъанавий**

---

[3] А.М. Ахмадалиева "Иннавацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар" (ўқув қўлланма)Тошкент-2006.

[4] Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

## 2. Ноанъанавий

**Анъанавий таълим технологияси** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпрок ўкитувчи шахсига каратилган бўлиб, ўкитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланиб таълим-тарбия максадига эришишдир.

**Ноанъанавий таълим технологияси** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида талаба шахси бўлиб, ўкитишнинг замонавий шакли, фаол ўкитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган максад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.

Ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, талабаларнинг билиш имкониятларини ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилади, билиш фаолиятлари изланувчан ва ижодий характерга эга бўлади. Дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади.

**Ноанъанавий** таълим технологияси ўз навбатида учга бўлинади:

— **Ҳамкорликда ўрганиш**

— **Моделлаштириш**

— **Тадқиқот (Лойиҳа)**

**Ҳамкорликда ўрганиш-** талабаларнинг билимини ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича талабанинг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўкитиш ва билим олишдир. У талабаларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тўтадиган методлардан иборат. Буларга китоб билан ишлаш, ўкув суҳбати, давра суҳбати, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара каби методларни киритиш мумкин.

**Моделлаштириш -** реал ҳаётда ва жамиятда юз берадиган ходиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини аудиторияда яратиш ва уларда талабаларнинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тўтади. Унинг асосий мақсади талабаларнинг фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш оркали таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Буларга ишбоп ўйинлар ва ролли ўйинлар каби методларни киритиш мумкин.

Қуйида таълим технологиялари бўйича методлар тизимига батафсил тўхталиб ўтамиз (расм. 3.5).






2-жадвал. Таълим технологиялари бўйича методлар тизими

**Тадқиқот** - талабалар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар йиғиндисидан иборатдир. Тадқиқотнинг мақсади дарс жараёнида талабаларда савол бериш ва жавоб излашида уларнинг қизиқишини уйғотишга қаратилгандир. Унда ўкитиш талабаларнинг амалий изланиш жараёнида бевосита қатнашишини таъминлайди. Буларга муаммоли вазият, лойиҳалаш методи, мустақил изланиш, йўналтирувчи матн каби методлар киради. [15]

Шу билан бир вақтда, жамиятнинг ривожланиши алоҳида мамлакатларда ва умуман жаҳонда инсонпарвар фалсафий асосдаги янги педагогик технологияларни яратди. Булар ҳам юқорида айтилган белгиларга кўра қуйидагича тасниф қилиниши мумкин: ҳамкорлик педагогикаси, ўйин технологиялари, муаммоли таълим, программалаштирилган таълим, гуруҳли технологиялар ва бошқалар.

Педагогик технологияларни таснифлашда уларнинг энг яққол ажралиб турадиган хусусиятларига асосланилади. Аслида эса ҳар бир педагогик технология соф холда учрамайди, уларда бошқаларига хос бўлган элементлар албатта мавжуд бўлади.

Масалан, ақлий ҳужум, ишчанлик ўйини, ролли ўйин каби интерфаол машғулотлар таркибида ҳамкорлик, бола шахсига йўналтирилган, муаммоли, дидактик ўйин каби педагогик технологиялар элементлари албатта мавжуд. Худди шундай таҳлилни деярлик ҳар бир педагогик технология шакллари ва усулларига нисбатан ҳам ўтказиш ҳамда соф ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлган алоҳида технология аслида амалда йўклигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг долзарб масалалари.**

**Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси**

| **Машғулот вақти-8 соат** | **Ўқувчилар сони: 25 нафаргача** |
|---|---|
| **Машғулот мавзуси** | Тасвирий санъатни ўқитишд замонавий педагоги технологиялардан фойдаланишнин долзарб масалалари |
| **Машғулот шакли** | **маъруза** |
| *Дарс режаси* | 1. Тасвирий санъатни ўқитишд замонавий педагоги технологиялардан фойдаланишнин долзарб масалалари (5.) 3-10 бетлар<br>2. Талабалар ижоді қобилиятларини ривожлантиришдаг иннавацион технологияларн қўллашнинг ўрни ва имкониятлари в аҳамияти. |

*Ўқув машғулотининг мақсади:* Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг долзарб масалалари мавзус бўйича умумий тушунчалар бериш.

| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
|---|---|
| • предметнинг вазифалар ва функциялари, ўқув фанлар тизимидаги ўрни ва роли билан таништириш;<br>• ўқув предмети таркибин шарҳлаш ва тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар рўйхатини бериш;<br>• мавзуга доир соҳалардаг эришилган ютуқларни қайд этиш;<br>• жараёнларини тушунтириб бериш; | • Талаба замонавий технологи фани, ундан фойдаланишнин аҳамияти, назарий асослари, асосі таянч иборалари ҳақида тушунчага эг бўлишига эришилади.<br>• Талабада ўтилган мавзу бўйич назарий билимлар ва унин амалиётдаги тадбиғи бўйича кўникм хосил қилинади.<br>• Талабанинг фанга тегишл тушунча ва дунёқараш шакллантирилади.<br>• мавзуга доир таянч ибораларн ўзлаштириш<br>мавзу доирасида ишнинг услубий в ташкилий хусусиятлари очи |



| | |
|---|---|
| | берилади. |
| *Таълим бериш усуллари* | Маъруза, кўргазмали, аклий хужум Муаммоли метод, БЛИЦ сўров. |
| *Таълим бериш шакллари* | Гурухларда ишлаш, фронтал в жамоа, жуфтликларда ишлаш. |
| *Таълим бериш воситалари* | Методик қўлланма, маъруз матнлари, таркатма материаллар компьютер, проектор, доска. |
| *Таълим бериш шароити* | Техник воситалар билан таъминланган гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория. |
| *Баҳолаш* | Оғзаки назорат: мунозара, савол жавоб, рағбатлантириш. Ўз -ўзини баҳолаш. |

**Маъруза машғулотининг технологик харитаси**

| Ишнинг босқичлари вақти | *Фаолият мазмуни* | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талабалар |
| 1-босқич кириш қисми (20 мин) | 1.1. Маъруза мавзусини эълон қилади Фан бўйича умумий тасавву келтиради.мавзуга оид таянч тушунчала талабалар эътиборига ташланиб, улда ҳақида талабалар фикри, маълумот даражас аниқланади. Ишнинг методологик в ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.<br>1.2. Режа асосида маърузанинг мазмун тушунтирилади. Маърузани ўзлаштирганли даражасини баҳолашнинг рейтинг баллар тушунтирилади. Рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради, ёзма иш в оралиқ назоратлари ҳамда якуни назоратлар билан таништиради. Асосі адабиётлар рўйхати билан таништиради.<br>1.3. Мавзунинг иқтисодиётдаги аҳамият | 1.1.Эшитад и.<br>1.2.Ёзиб олади в тинглайди.<br>1.3.Мавзун нг номи в тушунчалар ёзиб борилади. |

| | | |
|---|---|---|
| | ва мақсадидан келиб чиққан ҳолд машғулотнинг мақсади ва натижалар талабаларга етказилади. | |
| 2-босқич<br><br>Асосий босқич<br><br>(50 мин) | 2.1. Маъруза бўйича тарқатм материаллар берилади. Таянч сўзла талқини тушунтирилади.<br><br>2.2. Мавзунинг моҳияти, амалиёт била боғлиқлиги, бошқа фанлар била алоқадорлиги, унинг вазифалари ва ўзиг хос хусусиятлари ҳақида слайдлар тарқатма материаллар намойиш қилинади Энг асосий тушунчаларга урғу берилади в маърузанинг таркибий қисмлар тушунтириб берилади.<br><br>2.3. Мавзу бўйича мантиқий фикрлаш кобилиятини ривожлантириш,малак шакллантириш, таянч ибораларнинг ту моҳиятини англаб ўрганганлик даражас орқали оғзаки сўров шаклида текширилади Талабалар билан Пинборд услубин ўтказиш тавсия этилади, оғзаки саволла берилади. | 2.1.Ўқийди.<br><br>2.2.Эшитад и, жадвалн кўчириб олади ҳамда саволла беради.<br><br>2.3.Таянч сўз в атамалар муҳокама қилади. |
| 3-босқич<br><br>Асосий босқич<br><br>(10 мин) | 3.1. Мавзу бўйича якуний хулоса қилади<br><br>3.2. Талабаларнинг тайёргарлик в ўзлаштириш даражаси рейтинг баҳолаш мезони асосида баҳоланади ва эълон қилинади. Профессор-ўқитувчи томонида мақсадга эришилганлик ўзлаштириш даражаси аниқланади.<br><br>3.3. Мустақил таълим учун вазифала берилади ва қўшимча адабиётлар тавси қилинади. | Саволлар беради<br><br>Тест |

**Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг долзарб масалалари**

Ҳозирги вақтда энг ачинарли масалалардан бири талабга жавоб бермайдиган даражада ўқийдиган талабаларнинг кўпчиликни ташкил



қилиши. Талабаларнинг бошланғич курслардаги даври энг маъсулиятли давр ҳисобланади. Бунга ҳар хил шароитда яшаган, ўқиган билим ва тушунча даражалари ҳар хил бўлган ёшларнинг бир жойга жамланиши, кўпчилик талабаларнинг балоғатдан ёшидан ҳали тўлик ўтмаганлигини ва ўқитувчилар ўз талабаларининг шу даврдаги ўзига хос ўзгаришларини ҳисобга олмасликлари натижасининг маҳсули деб қараш мумкин.

Ёшларнинг бу ўтиш даври швециялик психолок Жан Пиаж (1876-1980) нинг фикрича, ўспиринларда объектга, борлиқ дунёга нисбатан абстракт фикрлаш жараёнининг етилиши билан характерланади. Фикр юритиш ҳаракатининг мураккаблашиши бола ҳаётининг барча томонларига, ҳиссиётига таъсир кўрсатади. Американлик психолог Стенли Холл (1884-1923) таъбири билан айтганда бу даврда боланинг ички ва ташки низоларининг кучайган даври бўлиб, "индивидуал ҳисси" пайдо бўлади. Америка психологи Эрик Эриксон (1902-1982) "боланинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида ишбилармонлик ва ўта таъсирчанлик ҳислари пайдо бўлади" деб изоҳлайди. Бу ёшда боланинг меҳнатга бўлган муносабатига асос солинади.

Талабалардаги таъсирчанлик ижтимоий омил ва тарбияланиш шароитига, шахснинг индивидуаллигига боғлиқ бўлиб, "мен" деган карама-каршилик даъволари бола шахсининг ҳиссиётига катта таъсир кўрсатади (И.С.Кон, Психология юноци, М., "Просвешения", 1989-79 б). Бу ёшда талабаларда хаёлпарастлик даври бошланади. Теварак атрофни ўраб турган турли ҳодисаларга жавоб топишга интилади. Ўз ички дунёсини қондириш мақсадида ҳар хил гипотезалар тузади, ўзининг психик ҳолатини сезмайди. Агарда бола хафа бўлса, у атрофдаги муҳитни сабаб қилиб кўрсатишга ўринади.

Талабаларнинг ўтиш ёшидаги ҳар хил "қилиқларини" ҳисобга олиб, ўқитиш ташкил қилинса, унинг самарадорлиги ошишига сабабчи бўлинади. Талабаларнинг психик ўзгаришларига мос келадиган дидактик методлар татбиқ қилиб янги натижаларга эришиш мумкин.

"Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" таълим йўналишининг ўқув режасидаги "Тасвирий санъат фанини ўқитишнинг замонавий технологиялари" фанини ўқитишда педагогик технологияларнинг ўрни ва амалий аҳамияти ўрганилади. Олий таълим муассасаларида мўтахассис кадрлар тайёрланиши сабабли педагогик технологияларнинг фанга амалий тадбиғи ва уни ташкил қилиш методикасини талабаларга илмий асосда етказиб бериш лозим.

Талабаларга тасвирий санъатдан дарс беришни бироз бўлса ҳам осонлаштириш, ўқишда талабаларнинг фаоллигини ошириш мақсадида Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий педагогик технологияларга мурожаат этилади.

| | | |
|---|---|---|
| | ва мақсадидан келиб чиққан ҳолд[illegible] машғулотнинг мақсади ва натижалар[illegible] талабаларга етказилади. | |
| 2-босқич<br>Асосий босқич<br>(50 мин) | 2.1. Маъруза бўйича тарқатм[illegible] материаллар берилади. Таянч сўзла[illegible] талқини тушунтирилади.<br>2.2. Мавзунинг моҳияти, амалиёт била[illegible] боғлиқлиги, бошқа фанлар била[illegible] алоқадорлиги, унинг вазифалари ва ўзиг[illegible] хос хусусиятлари ҳақида слайдлар тарқатма материаллар намойиш қилинади Энг асосий тушунчаларга урғу берилади в[illegible] маърузанинг таркибий қисмлар[illegible] тушунтириб берилади.<br>2.3. Мавзу бўйича мантиқий фикрла[illegible] қобилиятини ривожлантириш,малак[illegible] шакллантириш, таянч ибораларнинг ту[illegible] моҳиятини англаб ўрганганлик даражас[illegible] орқали оғзаки сўров шаклида текширилади Талабалар билан Пинборд услубин[illegible] ўтказиш тавсия этилади, оғзаки саволла[illegible] берилади. | 2.1.Ўқийди.<br>2.2.Эшитад и, жадвалн[illegible] кўчириб олади ҳамда саволла[illegible] беради.<br>2.3.Таянч сўз в[illegible] атамалар муҳокама қилади. |
| 3-босқич<br>Асосий босқич<br>(10 мин) | 3.1. Мавзу бўйича якуний хулоса қилади<br>3.2. Талабаларнинг тайёргарлик в[illegible] ўзлаштириш даражаси рейтинг баҳола[illegible] мезони асосида баҳоланади ва эъло[illegible] қилинади. Профессор-ўқитувчи томонида[illegible] мақсадга эришилганлик ўзлаштири[illegible] даражаси аниқланади.<br>3.3. Мустақил таълим учун вазифала[illegible] берилади ва қўшимча адабиётлар тавси[illegible] қилинади. | Саволлар беради<br>Тест |

**Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг долзарб масалалари**

Ҳозирги вақтда энг ачинарли масалалардан бири талабга жавоб бермайдиган даражада ўқийдиган талабаларнинг кўпчиликни ташкил



қилиши. Талабаларнинг бошланғич курслардаги даври энг маъсулиятли давр ҳисобланади. Бунга ҳар хил шароитда яшаган, ўқиган билим ва тушунча даражалари ҳар хил бўлган ёшларнинг бир жойга жамланиши, кўпчилик талабаларнинг балоғатдан ёшидан ҳали тўлиқ ўтмаганлигини ва ўқитувчилар ўз талабаларининг шу даврдаги ўзига хос ўзгаришларини ҳисобга олмасликлари натижасининг маҳсули деб қараш мумкин.

Ёшларнинг бу ўтиш даври швециялик психолок Жан Пиаж (1876-1980) нинг фикрича, ўспиринларда объектга, борлиқ дунёга нисбатан абстракт фикрлаш жараёнининг етилиши билан характерланади. Фикр юритиш харакатининг мураккаблашиши бола ҳаётининг барча томонларига, ҳиссиётига таъсир кўрсатади. Америкалик психолог Стенли Холл (1884-1923) таъбири билан айтганда бу даврда боланинг ички ва ташқи низоларининг кучайган даври бўлиб, "индивидуал ҳисси" пайдо бўлади. Америка психологи Эрик Эриксон (1902-1982) "боланинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида ишбилармонлик ва ўта таъсирчанлик ҳислари пайдо бўлади" деб изоҳлайди. Бу ёшда боланинг меҳнатга бўлган муносабатига асос солинади.

Талабалардаги таъсирчанлик ижтимоий омил ва тарбияланиш шароитига, шахснинг индивидуаллигига боғлиқ бўлиб, "мен" деган карама-каршилик даъволари бола шахсининг ҳиссиётига катта таъсир кўрсатади (И.С.Кон, Психология юноци, М., "Просвешения", 1989-79 б). Бу ёшда талабаларда хаёлпарастлик даври бошланади. Теварак атрофни ўраб турган турли ҳодисаларга жавоб топишга интилади. Ўз ички дунёсини қондириш мақсадида ҳар хил гипотезалар тузади, ўзининг психик ҳолатини сезмайди. Агарда бола хафа бўлса, у атрофдаги муҳитни сабаб қилиб кўрсатишга ўринади.

Талабаларнинг ўтиш ёшидаги ҳар хил "қилиқларини" ҳисобга олиб, ўқитиш ташкил қилинса, унинг самарадорлиги ошишига сабабчи бўлинади. Талабаларнинг психик ўзгаришларига мос келадиган дидактик методлар татбиқ қилиб янги натижаларга эришиш мумкин.

"Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" таълим йўналишининг ўқув режасидаги "Тасвирий санъат фанини ўқитишнинг замонавий технологиялари" фанини ўқитишда педагогик технологияларнинг ўрни ва амалий аҳамияти ўрганилади. Олий таълим муассасаларида мўтахассис кадрлар тайёрланиши сабабли педагогик технологияларнинг фанга амалий тадбиғи ва уни ташкил қилиш методикасини талабаларга илмий асосда етказиб бериш лозим.

Талабаларга тасвирий санъатдан дарс беришни бироз бўлса ҳам осонлаштириш, ўқишда талабаларнинг фаоллигини ошириш мақсадида Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий педагогик технологияларга мурожаат этилади.

**Талабалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришдаги иннавацион технологияларни қўллашнинг ўрни, имкониятлари ва аҳамияти.**

Ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш ва таълим бериш ҳозирги пайтда таълимнинг бош вазифаси ҳисобланади. Шахсиятни тарбиялашдаги асосий қурилмалардан бири бу ижодий жараён ҳисобланади. Унинг ривожланиши натижасида талабалардаги нарсаларни билишга бўлган қизиқиш ортади, интеллектуал (ақл идрокнинг ошиши) ривожланиш, мустақил фикрлаш даражаси ошиши, вазифани бажаришда изланишга қизиқиш, билимга чанқоқлик, ўзига ишонч, қатъиятлилик каби хислатлар шаклланади. Талабаларнинг ижодий имкониятлари фаолият жараёнидаги ҳар турдаги вазифаларнинг ечимини топишда ривожланади. Юзага келган муаммоли вазият ҳар бир инсон учун тасвирий санъатда объектив (холис) ёки субъектив (нохолис) акс этиши мумкин бўлган қатъий ва аниқ ечимлар қабўл қилишни талаб қилади.

Ижод тушунчасини ҳар ким ҳар хил талқин қилиши мумкин. Катта энциклопедик луғат шундай умумлаштирувчи аниқликни беради: "Ижод бу янги сифатли ва такрори йўқлиги билан ажралиб турадиган, ўзига хос ва умум тарихий ноёбликни яратадиган фаолият. Ижод инсоннинг ўзига хос хусусиятларидан биридир, шунинг учун ҳар доим ижодий фаолият субъекти ижодкорга мансуб бўлади ." америкалик олим П.Хилланинг фикрига кўра "ижод бу аввал маълум бўлмаган буюмлар яратишга ундайдиган, билимни бойитадиган фикрнинг номаълум жойларига муваффақиятли парвози" деб таърифлайди. Польшалик тадқиқотчи А. Матейка эса "ижодий жараённинг мазмуни мавжуд тажрибани тубдан ўзгартириб, янги бирикмалар асосида қайтадан шакллантиришдан иборат" дейди.

Бир сўз билан айтганда ижодий жараён бу ижодий вазифаларнинг ечимини топиш дейиш мумкин. Бунда ижодий вазифаларни шундай аниқлаймиз. Бу инсон томонидан муаммо сифатида англанаётган, ўзининг ечимини топишда янги усулларни талаб қиладиган, қандайдир янги технология, ҳаракат усулини яратишдан иборат.

Талабаларда ижодий имконият ривожланиши учун улардаги ўзига бўлган ишонч ва ижодий вазифаларни ечиш қобилиятларини шакллантириш зарур. Кимда ўзига нисбатан ишончи бўлмаса, у омадсизликка юз тутиши муқаррар. Албатта бу ишонч асосланган бўлиши керак.

Талабаларнинг мақсад, вазифа ва уни ечиш воситаларини мустақил танлашга интилишни ҳар томонлама рағбатлантирилиб борилиши зарур.



Жавобгарликни ўз бўйнига олиб мустақил ҳаракат қилишга ўрганмаган инсон, ижодий фаолиятга нисбатан қобилиятини йўқотади.

Талабанинг вазифани ечимини топишдаги таваккалчиликка мойиллигини кенг кўламда қўллаб – қувватлаб туриш зарур. Табиийки ҳар қандай таваккал иш аввало ўзида маънавий ва жисмоний томонларга зиён келтирувчи кўплаб хавф–хатарларни олиб келиши мумкин. Лекин бу ерда Я. Корчак (1979) томонидан "жисмоний бақувват лекин шахс сифатида ривожланмаган инсон маъқулми ёки соғлиғи, баъзан ҳаётини таҳдидга қўйиб бўлсада етук шахс сифатида тарбияланган инсон маъқулми" деган муаммоли саволни ўртага ташланади. "Олиб борилган тадқиқотлар натижаси инсондаги вазифанинг ечимини таваккал қилиб ечишга мойиллик, ижодкор шахс характерининг ўзига хос мустаҳкам қирраларидан бири эканлигини кўрсатади." [5]

Тасаввурни ривожлантириш ва фантазияга бўлган мойиллигига моънелик қилмаслик керак. Мустақилликка рағбатлантирадиган ёки педагог томонидан янги билимларнинг ўзлаштиришга бундай талабалардаги янги пайдо бўлган ўзининг қобилиятига бўлган ишончни кучайтирадиган муаммоли ўқитиш усулларини кенг қўллаш керак бўлади. Амалиёт шуни кўрсатадики муаммоли усуллар оркали олинган билимлар, анъанавий усуллар оркали олинадиган билимларга хос бўлгани каби ижодий жараённи сусайтириш таъсирига эга эмас.

**Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ва уни тасвирий санъат дарсларида қўллаш.**

**Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси**

[5] (Петровский В.А. 1992)[5]

| Машғулот вақти-8 соат | Ўқувчилар сони: 25 нафаргача |
|---|---|
| Машғулот мавзуси | Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ва уни тасвирий санъат дарсларида қўллаш. |
| Машғулот шакли | маъруза |
| *Дарс режаси* | 1. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси нинг пайдо бўлиши (5. 3-10 бетлар<br>2. жамоавий ўқитиш усулининг методикаси. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ва унинг тасвирий санъат дарсларидаги ўрни.мавзуси бўйича умумий тушунчаларни мустахкамлаш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>• предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва роли билан таништириш;<br>• ўқув предмети таркибини шарҳлаш ва тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар рўйхатини бериш;<br>• мавзуга доир соҳалардаги эришилган ютуқларни кайд этиш;<br>• жараёнларини тушунтириб бериш; | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• Талаба каламтасвир фани унинг аҳамияти, назарий асослари асосий таянч иборалари хақида тушунчага эга бўлишига эришилади.<br>• Талабада ўтилган мавзу бўйича назарий билимлар ва унинг амалиётдаги тадбиғи бўйича кўникма хосил қилинади.<br>• Талабанинг фанга тегишли тушунча ва дунёқараш шакллантирилади.<br>• мавзуга доир таянч ибораларни ўзлаштириш<br>мавзу доирасида ишнинг услубий ва ташкилий хусусиятларини баҳолаш шакли ва муддати очиб беради. |
| *Таълим бериш усуллари* | Маъруза, кўргазмали, аклий хужум Муаммоли метод, БЛИЦ сўров. |
| *Таълим бериш шакллари* | Гурухларда ишлаш, фронтал ва жамоа, жуфтликларда ишлаш. |
| *Таълим бериш воситалари* | Методик қўлланма, маъруза матнлари, тарқатма материаллар компьютер, проектор, доска. |
| *Таълим бериш шароити* | Техник воситалар билан |



| | |
|---|---|
| | таъминланган гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория. |
| *Баҳолаш* | Оғзаки назорат: мунозара, савол жавоб, рағбатлантириш. Ўз -ўзини баҳолаш. |

**Маъруза машғулотининг технологик харитаси**

| Ишнинг босқичлари вақти | *Фаолият мазмуни* | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талабалар |
| 1-босқич кириш қисми (20 мин) | 1.1. Маъруза мавзусини эълон қилади Фан бўйича умумий тасаввур келтиради.мавзуга оид таянч тушунчалар талабалар эътиборига ташланиб, улдар хақида талабалар фикри, маълумот даражаси аникланади. Ишнинг методолигик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.<br>1.2. Режа асосида маърузанинг мазмуни тушунтирилади. Маърузани ўзлаштирганлик даражасини баҳолашнинг рейтинг баллари тушунтирилади. Рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради, ёзма иш ва оралиқ назоратлари ҳамда якуний назоратлар билан таништиради. Асосий адабиётлар рўйхати билан таништиради.<br>1.3. Мавзунинг иктисодиётдаги аҳамияти ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда машғулотнинг мақсади ва натижалари талабаларга етказилади. | 1.1.Эшитади.<br>1.2.Ёзиб олади ва тинглайди.<br>1.3.Мавзунинг номи ва тушунчалар ёзиб борилади. |
| 2-босқич Асосий босқич (50 мин) | 2.1. Маъруза бўйича тарқатма материаллар берилади. Таянч сўзлар талқини тушунтирилади.<br>2.2. Мавзунинг моҳияти, амалиёт билан боғлиқлиги, бошқа фанлар билан алоқадорлиги, унинг вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида слайдлар | 2.1.Ўқийди.<br>2.2.Эшитади, жадвални кўчириб олади |

| | | |
|---|---|---|
| | тарқатма материаллар намойиш қилинади Энг асосий тушунчаларга урғу берилади ва маърузанинг таркибий қисмлари тушунтириб берилади.<br>2.3. Мавзу бўйича мантиқий фикрлаш кобилиятини ривожлантириш,малака шакллантириш, таянч ибораларнинг тўб мохиятини англаб ўрганганлик даражаси оркали оғзаки сўров шаклида текширилади Талабалар билан Пинборд услубини ўтказиш тавсия этилади, оғзаки саволлар берилади. | хамда саволлар беради.<br>2.3.Таянч сўз ва атамалар муҳокама қилади. |
| 3-боскич<br>Асосий боскич<br>(10 мин) | 3.1. Мавзу бўйича якуний хулоса қилади<br>3.2. Талабаларнинг тайёргарлик ва ўзлаштириш даражаси рейтинг баҳолаш мезони асосида бахоланади ва эълон қилинади. Профессор-ўқитувчи томонидан максадга эришилганлик ўзлаштириш даражаси аниқланади.<br>3.3. Мустақил таълим учун вазифалар берилади ва қўшимча адабиётлар тавсия қилинади. | Саволлар беради<br>Тест |

Бу усул 1918 йилда пайдо бўлган. Педагог Рибин педагогик тажриба ўтказди. Талабалар билан индивидуал ва жуфт-жуфт бўлиб ишлар эдилар: Улар биргаликда масала ечар эдилар, конспект қилишарди, китоблардан реферат қилишарди, шеърлар ёдлашарди, маърузалар эшитишарди, бир-бирлари ва ўқитувчи олдида хисобот беришарди.

Бу усулда ўқитиш даври мобайнида хар бир талаба 3-4 йиллик ўқув курсини ўзлаштирди. Бунда талабаларнинг ривожланиши ҳайратли даражада юқори эди. Ривожанмаган чекка бир қишлоқ ўсмирлари 1 йилдан сўнг, мантиқли фикрлайдиган, ўз фикрини исботлай оладиган, мунозара кила оладиган, мураккаб матнларни таҳлил кила оладиган, хаттоки педагогик қобилиятини намоён қила оладиган даражага етди. Бу кишлокнинг ўзида 3 та кашфиёт амалга оширилди:

- 1-марта махаллий ва хорижий педагогикада йил давомида интенсив равишда ўқитиш фаолияти амалга оширилди. Унда ўзгарувчан жуфтлик ва микро гурух бўлиб, иш олиб боришди.

- Ўқув тарбиявий ишнинг янги технологияси ишлаб чикилди ва апробациядан ўтказилди (синаб кўрилди).



- 1-марта турли ёшда бўлган, жинси ва фикрлаши хамда борлиқ ҳақидаги тасаввурлари ҳар хил бўлган, ўз-ўзига таълим берувчи ўқув жамоаси тузилди.

Ўқитишнинг бундай усули ўша даврдаги замондошлари томонидан яхши кабўл қилинмади.

**Жамоа бўлиб ўқитишнинг долзарблиги.**

Ушбу педагогик технологияларнинг долзарлиги шундаки, у тўпланиб қолган муаммолларни ва замонавий таълимнинг зиддиятларини очишга йўл беради.

Анъанавий таълимда юз бераётган кризисни барча педагоглар тан олади. У қуйидаги зиддиятларда яққол кўринади:

1. Талабаларни ўқитиш мотивизацияси ва рағбатлантириш орасидаги зиддият. Ўқитувчилар талабаларни ўқишмаяпти деб шикоят қилишади, талабалар эса, ўқишнинг зерикарлилиги, бир хиллиги ва кучи етмаслигига шикоят қилишади. Жамоавий ўқитиш эса, ўқитувчилардаги мотивация хамкорлик асосида шаклланади ва ривожланади.

2. Ўқитувчи янги мавзуни тушунтиради, қолганлар эшитади. Бу бутун дарс давомида давом этиши мумкин. Жамоа билан ўқитиш эса хар бир талабани дарс давомида фаол ишлашга ундайди.

3. Психологик комфорт ва дискомфорт ўртасидаги зиддият. Оддий классик дарсда педагог 1соат 20 минут давомида бутун аудиторияни ўз қўлида ушлаб туриши керак. Жамоавий ўқитиш усули эса, мажбурли бўлмаган ва қизиқарли мулоқот учун, шароит яратади.

4. Тарбия ва ўқитиш орасидаги зиддият. Оддий дарсда талабаларнинг ўзаро тарбиявий таъсири ўқитувчи томонидан “гаплашманг”, “ўргатманг” деган сўзлар билан чегаралаб қўйишади. Жамоавий ўқитишда эса аксинча: “Сухбатлашинг”, “Тўғирланг”, “бир-бирингизни баҳоланг” деган сўзлар ишлатилади.

5. Индувидуал ривожланиш билан ўқитиш стандартлари орасидаги зиддият: 1 сентябрда аудиторияга 30 та талаба келди ва 1 июнгача уларнинг хаммаси курсдан-курсга ўтиши керак. Ривин буни пода ўтиш деб атаган. Жамоавий ўқитишда эса, талаба аудиторияга истаган вақтда келиши мумкин ва имтиҳонни ҳам истаган вақтда топшириши мумкин.

**Жамоавий ўқитиш методикаси.**

Жамоавий ўқитиш усуллари қуйидаги тамойилларга риоя қилишни талаб қилади:

1. Ўзгариб турадиган талабалар жуфтлиги бўлиши;

2. Уларнинг бир-бирини ўкитиши;

3. Ўзаро назорат;

4. Ўзаро бошкарув.

**Кичик гурухларда ишлаш методи**

Кичик гурухларда ишлаш талабаларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, хар бири учун мунозарада катнашиш хукукини беради, бир-биридан аудиторияда ўрганишга имкони туғилди, бошкалар фикрини кадрлашга ўргатади.

**Кўлланиш усули**.

**1. Фаолиятни танлаш.** Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада талабалар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

**2. Зарурий асос яратиш**. Талабалар кичик гурух ишида катнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

**3. Гурухни шакллантириш**. Одатда хар бир гурухда 3-5 талаба бўлади (эхтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гурухда ишлаш у ёки бу ёзма хужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишилик гурух тузилгани маъкул. Гурух ўлчови масаланинг мухимлиги, аудиториядаги талабалар сони, талабаларнинг бир-бири билан конструктив холатда ўзаро харакатига боғлик холда ўзгаради. Энг яхшиси, "гетроген" гурух ташкил этишидир (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошка белгилар асосида). Гурухда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аник таксимлашга таянади (мисол учун, бир талаба мунозарани бошкаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва хоказо). Аудиторияни гурухларга ажратиш, хохиш бўйича ёки хисоб бўйича амалга оширилади.

**4. Аник йўл-йўриклар кўрсатиш.** Талабаларга фаолиятни бажариш бўйича аник ва хажм жихатдан кўп бўлмаган тушунтириш берилади. Ўкитувчи гурухларининг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган холда вакт чегарасини айтади. Гурухлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. Талабалар гурухда ишни бошлашлари учун вазифаларини аник тушуниб етганлиги текшириб кўрилади.

**5. Кўллаб кувватлаш ва йўналтириш**. Ўкитувчи зарурат туғилса гурухлар ёнига навбатма-навбат келиб тўғри йўналишда ишлаётганлигини кайд этади ёки уларга ёрдам беради, гурухларга тайзик ўтказилмайди.

**6. Мухокама килиш ва бахолаш**. Гурухларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун хар бир гурух ўз сардорини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича



билдирилган фикрлар ўкитувчи томонидан ёзилиб борилади. Мухими, гурухдаги муаммолар ечимининг асосланишини аниклаштириб олишади. Агар вакт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни аргументлашда гурухлар бир-бирига савол хам беришлари мумкин. Кичик гурухларда ишлаш натижалари ўкитувчи томонидан бахоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аник бажариш, вакт сарфи асосий мезон хисобланади.

Ушбу метод кўлланилганда талаба кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хукукига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуктаи назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

Кичик гурухларда ишлаш методи кўлланилганда ўкитувчи бошка ноанъанавий методларга караганда вактни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўкитувчи бир вактнинг ўзида барча талабаларни мавзуга жалб эта олади ва бахолай олади.

**"Кичик гурухларда ишлаш" методининг афзаллиги:**

– ўкитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;

– мулокотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;

– вактни тежаш имконияти мавжуд;

– барча талабалар жалб этилади;

– ўз-ўзини ва гурухлараро бахолаш имконияти мавжуд бўлади.

**"Кичик гурухларда ишлаш" методининг камчиликлари:**

– кучсиз талабалар бўлганлиги сабабли кучли талабаларнинг хам паст бахо олиш эхтимоли бор;

– барча талабаларни назорат килиш имконияти паст бўлади;

– гурухлараро ўзаро салбий ракобатлар пайдо бўлиб колиши мумкин.

– гурух ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг таркибий тузилмаси**




3-жадвал.

**“Кичик гурухларда ишлаш” методини қўллаш босқичлари:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гурухлар белгиланади. Талабалар гурухларга 3-5 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4. Ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва ўқитувчи томонидан йўналтириб турилади.

5. Кичик гурухлар тақдимот қиладилар.



6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гурухлар баҳоланади.

**Хулоса**

Юқорида билдирилган фикр мулоҳазалардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1.Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустаҳкам назарий билим олиш фаолияти, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларнинг касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақозоси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

2.Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадр - лар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди.

3. Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мўтахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.

4. Баркамол шахс ва малакали мўтахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқа - риш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

**“Чархпалак” технологияси**

**Технологиянинг таснифи.** Ушбу технология талабаларни ўтилган мавзуларни ёдга олишга, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талабаларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

**Технологиянинг мақсади:** талабаларни дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, якка ва гурухларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатиш.

**Технологиянинг қўлланиши:** технология ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда, ўтилган мавзуларни талабалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган. Ушбу технологияни машғулот жараёнида ёки унинг бир қисмида якка, кичик гурух ва жамоа шаклида ташкил этиш мумкин.

**Машғулотда фойдаланиладиган воситалар:** тарқатма материаллар, рангли калам (фламастер)лар.

***Изоҳ.*** *режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг қўйган мақсади (текшириш, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос гуруҳдаги талабалар сонига қараб тарқатма материаллар тайёрланади.*

**Машғулотни ўтказиш тартиби:**

- талабалар кичик гурухларга ажратилади;

- талабалар машғулотни ўтказишга қўйиладиган талаблар ва коидалар билан таништирилади.

- Тарқатма материаллар гурух аъзоларига таркатилади;

- Гурух аъзолари томонидан якка холда мустақил равишда таркатма материаллардаги вазифалар бажарилади;

- Ҳар бир талаба ўзи ишлаган таркатма материалнинг ўнг томонига гурух рақамини ёзади, чап бурчагига эса ўзининг бирон бир белгисини чизиб қўяди;

- Вазифа бажарилган таркатма материаллар бошка гурухларга “чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади;

- Янги гурух аъзолари томонидан берилган материаллар ўрганилади ва ўзгартиришлар киритилади;

- Жамоалар томонидан ўрганилган ва ўзгартиришлар киритилган материаллар яна юқорида эслатилган йўналиш бўйича гурухлараро алмаштирилади (бу гурухлар сонига караб давом эттирилади);

- Материаллар охирги алмашишдан сўнг хар бир гурух ва хар бир гурух аъзоси ўзлари илк бор тўлдирган материалларини (гурух рақами ва қўйган белгиларига караб) танлаб оладилар;

- Ҳар бир гурух аъзоси ўзлари белгилаган жавобларига бошқа гурух аъзоларининг тузатишларини таққослайдилар ва таҳлил қиладилар;

- Ўқитувчи тарқатма материалда бажарилган вазифаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда тўғри жавобларни белгилайди;

- Ҳар бир талаба тўғри жавоб билан белгиланган жавоб фаркларини аниклайдилар, керакли баллни тўплайдилар ва ўз-ўзини баҳолайдилар.

- Талабалар ўз баҳолари ёки балларини белгилаб олишгач, ўқитувчи вазифа бажарилган коғозларни йиғиб олади ва талабалар тўплаган балларни ўз журналига белгилаб қўяди.

“Чархпалак” технологиясидан фойдаланган холда машғулот ўтказиш учун талабаларга қуйидагича вазифа берилади.



**Вазифа:**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Тасвирий санъатни ўқитишнинг мақсади ва аҳамияти | | | |
| . | Талабалардаги бадиий диди ва тасаввурларини шакллантиради. | | | |
| . | Тасвирий санъат методикаси фанининг мазмуни | | | |
| . | Рангшуносликда ранг танлашнинг ўзига хос хусусиятлари | | | |
| . | Рангни кўриш ва сезиш кобилиятининг инсон фаолиятидаги аҳамияти | | | |
| . | Тасвирий санъат асарларининг инсон руҳиятига таъсири | | | |
| . | Тасвирий санъат асарларини ўқий олишнинг аҳамияти | | | |
| . | Ижодий қобилиятларнинг ривожланишида тасвирий санъат дарсларининг аҳамияти | | | |
| . | Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий технологиянинг аҳамияти | | | |
| . | Тасвирий санъат асарларининг инсоният тарихидаги ўрни | | | |
| 0. | Расм чизиш фан сифатида умумтаълим циклига қаерда киритилган? | | | |

17- 20 та тўғри жавоб “коникарли” 55% - 71% гача;

21-24 та жавоб "яхши" 71% - 86% гача;

25-30 та тўғри жавоб "аъло" 86% - 100- гача.

**"БУМЕРАНГ" технологияси**

**Технологиянинг таснифи.** Ушбу технология талабаларни ўтилган мавзуларни ёдга олишга, мантикан фикрлаб, берилган саволларга мустакил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга хамда киска вакт ичида ўкитувчи томонидан барча талабаларни баҳолаш олишга каратилган.

**Технологиянинг максади:** Ўқув жараёни мобайнида таркатма иатериалларни талабалар томонидан якка ва гурух ҳолда ўзлаштириб олишлари ҳамда сухбат-мунозара ва турли саволлар оркали таркатма материаллардаги материаллар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат килиш ва баҳолаш. Ўқув жараёни мобайнида хар бир талаба томонидан ўз балларини тўплашга имконият яратиш.

**Технологиянинг қўлланиши:** Амалий машғулотлар, семинар ва лаборатория машғулотлари ҳамда сухбат-мунозара шаклидаги дарсларда якка тартибда, кичик гурух ва жамоа шаклида фойдаланилиши мумкин.

**Машғулотда фойдаланиладиган воситалар:** таркатма материаллар, репродукциялар, қиска матнлар, маълумотлар.

**Машғулотни ўтказиш тартиби:** Ушбу технология бир неча боскичда ўтказилади:

- талабалар кичик гурухларга ажратилади;

- талабалар машғулотни ўтказишга қўйиладиган талаблар ва коидалар билан таништирилади.

- тарқатма материаллар гурух аъзоларига таркатилади;

- берилган матнлар талабалар томонидан якка холда мустакил равишда ўрганилади;

- хар бир гурух аъзоларидан янги гурухлар ташкил килинади

- янги гурух аъзоларининг хар бир гурух ичида навбати мустакил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар;

- берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниклаш учун гурух ичида ички назорат ўтказилади, яъни гурух аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб киладилар;



- янги гурух аъзолари дастлабки гурух ларига кайтадилар;

- дарснинг қолган жараёнида талабаларбилимларини баҳолаш ва тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун хар бир гурухда "гурух хисбчиси" тайинланади ;

- хар бир гурух аъзоси томонидан матнлар кай даражада ўзлаштирилганлигини аниклаш максадида ўкитувчи (ёки оппонент гурух) талабаларга саволлар билан мурожаат этадилар, оғзаки сўров ўтказилади;

- саволларга берилган жавоблар асосида гурухларнинг тўплаган умумий баллари аникланади;

- хар бир талаба томонидан гурухдаги матннинг мазмунини хаётга боғлаган холда биттадан савол тузилади.

- Гурухлар томонидан тузилган саволлар саволлар оркали савол-жавоб ташкил этилади.("гурух хисобчилари" берилган жавоблар бўйича балларни хисоблаб борадилар);

- Гурух аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аникланади;

- Гурухлар тўплаган умумий баллар гурух аъзолари ўртасида тенг таксимланади.

- ***Изоҳ:*** *ўқитувчи дарсни шу тартибда тугатиши ёки ўқув материалини талабалар томонидан якка тартибда қандай ўзлаштирилганлигини яна бир бор ўз-ўзига баҳо бериш тартибида назорат қилиш учун "Чархпалак" технологиясидан фойдаланган ҳолда ўқилган ва ўзлаштирилган матнлар асосида тайёрланган тарқатма материалларни талабаларга тарқатилиб, ўз билимларини текшириб олишларига имконият яратиш мумкин.*

- *Машғулотни якунлаш, уйга вазифа бериш.*

"Чархпалак" технологиясидан фойдаланган холда машғулот ўтказиш учун талабаларга қуйидагича вазифа берилади.

**Мавзу:** "Рангтасвир тарихи ва унинг тасвирий санъатдаги аҳамияти"

1-гурухга – рангтасвирнинг тур ва жанрлари?

2-гурухга – ранг ва шаклнинг ўзаро боғликлик томони?

3-гурухга – рангтасвирда ишлаш техникаларини айтинг?

## “САН” технологияси

(учлик – самарали, ахлоқий, назокатли)

Технологиянинг мақсади: талабаларда якка, жамоавий, гурух бўлиб ишлаш, ижодий ва ташкилотчилик фаолияти кўникмаларини, ишга маъсулият билан ёндашувни шакллантириш, безаш кўникмаларини ривожлантириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ўқитувчи талабалар аудиториясини ўтказиладиган машғулотнинг тартиб – қоидалари билан таништиради ва талабаларни 3 кишидан иборат гурухларга ажралишларини таклиф қилади.;

Кичик гурухларда талабалар композиция машғулотининг қуйидаги

1) Мавзули натюрморт композицияси эскизи устида ишлаш.

2) Манзара композицияси эскизи устида ишлаш.

3) Портрет композицияси эскизи устида ишлаш мавзулари бўйича ишлашади. Ҳар бир гурух вакили стол устидан мавзулар ёзилган карточкаларни танлаб олади.

Топшириклар қуйидагича бўлиши мумкин:

–талабанинг иш столи мавзусида натюрморт композицияси ишлаш, ёз ноз–неъматлари мавзусида натюрморт, уй–рўзғор буюмлари иштирокидаги тушликка тайёргарлик мавзусидаги натюрморт композицияси ишлаш;

–куз манзараси, менинг кишлоғим, қурилишда мавзули композиция ишлаш;

–талаба портрети, мен севган инсонлар мавзусида, спортчи мавзусидаги композиция ишлаш.

–Кичик гурухларга мавзунинг эскизини ишлаб тақдимотга тайёрланишлари учун 60 минут, уни материалга ишлаш ва туғаллаш ишлари учун колган соатлар маълум қилинади. Тайёргарлик вақти тугаб, тақдимот бошланади. Тақдимот вақтида талабалар ўзларининг тайёрлаган эскизлари билан барчани таништирадилар, асослайдилар ва жамоавий ижодий гурухдаги ўз вариантларини химоя қиладилар. Тақдимот тугагач, умумий мухокама бошланади. Мухокама жараёнида талабалар ўз эскизлари мавзуларига тегишли талабларни аниқлайдилар, ўқитувчи ёки алоҳида тузилган ижодий гурух эса талабалар томонидан билдирилган фикр ва таклифларни махсус тутилган дафтарга қайд қилиб борадилар.



## “АЖИЛ” (амалиётда жамоавий ижодий ишлар) технологияси

Технологиянинг мақсади: талабаларда ижодий фаолият малакалари ва жамоавий ижодий ишнинг турли шаклларини билишга кўмаклашиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: Мавзуни тушунтириш, мавзу танлаш ва танланган эскиз бажаришга – 2 соат;

Мавзуни амалда бажариш учун – 18 соат;

Якуний хулосалар чиқариб, ишларни баҳолашга охирги соатнинг сўнгида – 20 минут вақт берилади.

1. технологияни ўқув жараёнида фойдаланиш учун ўқитувчи машғулотнинг бошида талабалар гурухи билан олдиндан тайёрланган мавзу бўйича суҳбатлашиб, уларга таклиф этилган мавзулардан бирини танлашга имконият беради. Масалан: «Мавзули натюрморт устида ишлаш» ("Мевалар билан натюрморт", "Уй-рўзғор буюмларидан тузилган натюрморт", "Юртим ноз-неъматлари", "Касбга оид натюрморт композицияси"); «Манзара композицияси эскизини ишлаш» ("Юртимда баҳор манзараси", "Менинг қишлоғим", "Куз манзараси" "Мен севган шаҳар", "Қурилишда"); «Портрет композицияси ишлаш» ("Автопортрет", "Талаба портрети", "Мен севган инсон", "Рассом портрети"); «Мавзули мураккаб композиция ишлаш» ("Янги уйлар қурилиши", "Истироҳат боғида", "Улок", "Ҳамсуҳбатлар - А. Навоий ва Беҳзод") каби мавзулар олиниши мумкин.

2. талабалар ўқитувчи томонидан таклиф этилган мавзулардан бирини танлайдилар. агар улар мавзулардан бирини танлай олмасалар, у холда ўқитувчининг ўзи уларга мавзулардан бирини таклиф қилади.

3. Ўқитувчи гурухга топшириқ бериш учун, уларга қарата қуйидаги фикрни ташлайди ва бу фикрни ўйлаб кўришларини таклиф этади:

"Сиз қаламтасвир ва рангтасвир машғулотларида кўплаб натюрморт композициясини натурадан қараб ишлагансиз, бунда кўпчилик яхши натижаларга эришган. Композиция дарсида сиз аввал рангтасвир, қаламтасвирда олган билимларингизни янада мустаҳкамлаб, мустақил равишда хаёлан композиция тузиш ва уни хар хил тасвирлаш воситалари ёрдамида бажаришни уддалашингиз керак бўлади. Натюрмортни натурадан ишлаш тажрибаларингизга таяниб, ўз мавзуингиз асосида аввал эскиз, кейин эса композицияни амалда бажараси. Бунда нималарга эътибор бериш, нимадан бошлаб, нимада тугатиш кераклигини яхшилаб ўйлаб кўринг."

"Фараз қилинг, маҳаллангиз, кўчангиз, қишлоғингиз, шаҳрингиз, умуман олганда Ватанимиз энг гўзал, ўзига хос кўринишлари, унда етиштириладиган махсулотлар, мева-чева, сабзавотлар, уни етиштирган, ёки бошқа бошқа инсонлар тасвирини ишлаб", томашабининг кайфиятини кўтарадиган, унга маънавий таъсир кўрсатадиган асарлар яратмоқчисиз. Бунинг учун композиция тузиш жараёни ва уни амалда бажариш босқичларининг режасини тузиб чиқамиз.

Яратмокчи бўлган композициямизни тузишни нимадан бошлашимиз керак. У кандай кетма-кетликда бажарилиши, композициямизнинг томашабинга таъсирини кучайтириш учун нималарга эътибор бериш керак деган саволларга жавоб топиб олиш керак.

4. ўкитувчи кириш сўзидан сўнг "Аклий хужум", услубидан фойдаланган холда, машғулотнинг катнашчилари томонидан айтилган барча эркин фикрларни, мулохаза ва ғояларни ватман коғозга ёки ўкув хонаси тахтасига ёзиб боради. Бирганликдаги муҳокамадан сўнг талабалар сухбатнингт ягона режа-лойиҳасини тасдиклайдилар. Ушбу тузилган режа-лойиха кичик журнал, яъни ўзига хос оғзаки журнал саҳифаларига ўхшашлиги учун, ўкитувчи ушбу суҳбатни – "оғзаки журнал" деб номлашни таклиф килади ва талабалардан ушбу оғзаки журналга ва унинг ҳар бир саҳифасига ном беришни сўрайди.

5. ишнинг кейинги боскичини бошлаш учун, катнашчилар кичик гурухларга бўлинади.

6. ўкитувчи гурухларга бу ўзига хос журнални кўриб чикишни, ҳар бир саҳифага ва журналга умумий ном берилиши кераклигини таклиф этади.

7. кейин гурухларга битта саҳифани (куръа ташлааш ёки ўз хоҳишлари бўйича) танлаш имконияти берилади, ҳар бир гурух ўзлари танлаган саҳифанинг мазмунини очиб бериш учун тайёргарликни бошлайдилар.

8. тайёргарлик учун аник вакт белгиланади. Тайёргарлик вактида гурухлар ўзлари танлаган саҳифа мазмунини ёритиш усуллари, шакллари, ижросини ва қандай килиб тақдимот килиш йўлларини аниклайдилар, вазифаларни бажариш учун тайёргарликни бошлайдилар.

«Мавзули натюрморт устида ишлаш» мавзусидаги оғзаки журнал саҳифалари қуйидагича номланиши мумкин:

1. саҳифа. Мавзу танлаш
2. саҳифа. Танланган мавзу эскизини бажариш (каламда)
3. саҳифа. Композицияни матога кўчириш
4. саҳифа. Рангда ишлов бериш
5. саҳифа. Умумлаштириш, якунлаш ишлари

гурухлар томонидан бажарилган композициялар юкорида белгиланган тартибда амалга оширилади ва бунда барча гурухлар иштирок этади.

Талабалар ишлари намойишидан кейин, ўкитувчи талабалар билан биргаликда гурухлар томонидан намойиш этилган амалий ишларнинг ижобий ва салбий томонларини мухокама қиладилар, ушбу машғулот уларни нималарга ўргатганлиги ва улар нималарни билиб олишгани билан



қизиқади. Ўкитувчи керакли тавсиялар ва тушунчалар беради, сўнгра машғулотни якунлайди.

**Тасвирий санъатни ўкитиш натижаларини баҳолаш тамойиллари.**

1. Баҳолаш ва унинг аҳамияти. Таълим олувчилар томонидан ўкув материаллари узлаштирилганлигини, куникма ва малакалар хосил бўлганлигини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг зарур таркибий қисми хисобланади. Бу факат ўкитиш натижаларини назорат килиш эмас, балки ўкув жараёнининг турли боскичларида таълим олувчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик килиш ҳамдир.

Баҳолаш-таълим жараёнининг маълум боскичида ўкув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида улчаш, натижаларни аниклаш ва таҳлил килишдан иборат жараёндир.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўкув материалининг узлаштирилганлиги хакида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади.

Баҳолаш натижасида тушунча ва конун-коидаларнинг кайси бирлари кийин, кайси бирлари эса осон узлаштирилиши аниқ-равшан бўлади. Бу таълим олувчининг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўкув машғулотини утказиши учун асос бўлиб хизмат килади.

Билимларни, куникма ва малакаларни назорат килиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг укишга, уз ютуклари ва муваффакиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, кийинчиликларни енгиш истаги тугилади.

Баъзан баҳолаш жараёнида таълим олувчи кушимча билим, куникма ва малакаларга ҳам эришади. Таълим жараёнида узлаштирмаган тушунчаларнинг мохиятига тушуниб етади. Шу боис, баҳолашни таълим олиш жараёнининг давоми, деб ҳам айтиш мумкин.

Натижаларни баҳолаш оркали бир пайтнинг узида бутун таълим тизими ва унинг компонентлари текширилиб курилиши керак. Бу билан таълим тизимида кутилаётган натижага эришилаётганлик даражаси текширилиб улчанади.

Таълим бериш давомидаги назорат натижаларини улчаб бориш, билим, куникма ва малакаларни баҳолаш ўкувчининг узлигини англаши учун бир имкониятдир.

Баҳолаш мезонлари. Ҳар кандай баҳолаш натижалари узаро таккосланиши, яъни улчаниши лозим бўлади. Уларни таккослаш баҳолашдан олдин ёки кейин ишлаб чикилган мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Баҳолаш мезонлари ўкув мақсадларига кай даражада

эришилганликни англатувчи курсаткичдир. Бу курсаткичлар сонлар («беш», «тўрт», «уч» ва хоказо) сўзлар («аъло», «яхши», «коникарли» ва хоказо) ёрдамида тавсифланиши мумкин. Бошкача килиб айтадиган бўлсак, бахолаш мезонлари таълим олувчининг кайси ўзлаштириш даражасини намойиш килишига караб мос куйиладиган бахо курсаткичининг тавсифидан иборат.

1. Бахолаш тамойиллари. Билимларни текшириш ва бахолаш муайян дидактик талабларга жавоб бериши керак. Текшириш ва назорат килиш, доимий тарзда бўлиши шарт. Бу талабга риоя этилмаса, таълим олувчиларнинг укишга нисбатан муносабати ёмонлашади, билимларнинг сифатига салбий таъсир килади.

Таълим олувчиларнинг билимлари, куникма ва малакаларини текшириш шакллари турличадир. Баъзан таълим берувчи билимларни текширишнинг узок вакт мобайнида бир хилдаги усулларини куллайди. Унда сураш, савол бериш, бахони изохлаш сохасида муайян одат пайдо бўлади.

Куйидаги бешта асосий тамойиллар бахолаш тизими самарадорлигининг пойдевори хисобланади.

- Ўкув максадларига асосланганлик
- Хакикийлик
- Хакконийлик
- Ишончлилик
- Кулайлик

1.Ўкув максадларига асосланганлик. Самарали бахолашнинг асосий тамойили ўкув максадларига асосланганлик хисобланади. Бахолашнинг сифати ўкув максадларига тўгридан-тўгри богликдир. Ўкув максадлари бахолаш мазмунини аниклаб беради. Ўкув максадларининг куйилиш даражасига караб, бахолашнинг шакли ва усуллари танланади. Шунингдек, ўкув максадларига эришиш учун бажарилган фаолият натижаси, бахолаш мезонларини аниклашда мухим хамиятга эга.

2.Хакикийлик. Ўкув максадида кўзда тутилган натижанигина бахолашга каратилган топширик ёки тест хакикий хисобланади. У бахоланиши лозим каратилган топширик ёки тест хакикий хисобланади. У бахоланиши лозим бўлган билим ва куникмалар сохасидаги натижаларга каратилган бўлиши лозим.

3.Хакконийлик (объективлилик). Бир-биридан мустакил таълим берувчилар бир хил таълим олувчиларга берилган бир хил топширик ва тестлар буйича бир хил бахо берган холдагина мазкур топширик ва тест хакконий хисобланади.



4.Ишончлилик. Натижаларни бахолаш мобайнида хар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин бу усулларни танлашга куйиладиган асосий шарт ишончлилик хисобланади. Услуб ишончли бўлиши учун бахолаш асосли ва аник маълумотларга асосланган бўлиш зарур.

5.Кулайлик. Бахолаш тизими ўкув максадларидан келиб чиккан холда ўкув ва ишлаб чикариш стандартларига мос бўлиши, мураккаб бўлмаслиги, назорат утказувчи ва таълим олувчи учун кулай бўлиши лозим. Бахолашни утказишда имкон кадар компьютерлардан кенг фойдаланиш максадга мувофик бўлади.

Тест воситасида билимларни назорат килиш

Малакали равишда тузилган педагогик тест хакконий-холисона педагогик улчов воситаси бўлиб, назорат олиб бораётган шахсга боғлиқ бўлмайди.

Тест ўкув материалининг барча асосий мохиятини уз ичига олиши мумкин, таълим натижаларини бахолашнинг тест усули билимни аник ва тўгри бахолайди, бунда бахолашнинг курсаткич даражаси олдиндан белгиланади ва хамма талабалар учун умумий бўлади.

Тест синовлари кенг камровли бўлиб, киска вакт ичида маълум бир ўкув материалининг (ёки ўкув фани) узлаштирилишини умумий равишда назорат килиш имконини беради, бунда куч ва воситалар кам сарфланади. Ўзбекистон олий ўкув юртларида абитуриентларни тест синовлари асосида танлаш киска вакт ичида бир неча соат давомида амалга оширилади. Нихоят, тест синовлари компьютерлар воситасида яхши автоматлаштирилади.

Аммо тест синовларини умуман камчиликлардан холи, деб бўлмайди. Тест синовларининг кўпгина шакллари талабани мустакил равишда жавобларни тайёрлаш тажрибасидан махрум этади.

Талабалар билимини синаш усулларининг камчиликлари ва афзалликларининг тахлили шуни кусатадики, ўкув жараёнида огзаки синов, ёзма ишлар ва педагогик тест синовларини, иложи борича, кушиб олиб бориш яхши натижа беришини курсатади.

Агар тест тўгри ташкил этилса, у талабалар билимини холисона бахолаш имконини беради, чунки бу бахо ўкитувчи шахсига боғлиқ бўлмайди. Тўгри бажарилган тест топшириклари маълум улчов даражаси асосида бахоланади. Аммо факат малакали равишда тузилган сифатли, илмий талабларга асосланган тестгина ана шундай бахолаш имконини беради.

Маълумки, назорат топшириқларининг мазмуни ўзлаштиришнинг зарурий даражасига мос бўлиши керак.

Назорат топширикларига хотира даражаларини камраб оладиган турли даражадаги репродуктив ва продуктив саволларни киритиш максадга мувофик бўлади.

Репродуктив жараёнда маълумотлар, коидалар, алгоритмлар турли бирикмалар сифатида кайта эсга олинади, бунда материални айнан ўзгаришсиз такрорлаш ёки эркин равишда сузлаб бериш мумкин.

Продуктив ўкув жараёнида эса ўкувчи эгаллаган билим ва малакалари асосида ўкув дарсликларида берилган маълумотларга эга бўлади. Продуктив даражадаги ўкув жараёнида мантикий фикрлаш асосида эгаллаган билимлар кайта ишланади, такомиллаштирилади, янги шароитларда урганилади. Билим эгаллашнинг продуктив даражаси ўкувчига мустакил равишда вокеалар хамда предметлар уртасидаги муносабатлар, алокалар хакида хулосалар чикариш имконини беради, маълум коидаларни куллаб, масалаларни ечиш алгоритмини тузишга ёрдам беради (Беспалько В.П., 1989).

Изланишлар кўрсатадики, ўкитувчи билимни назорат килишнинг кай усулидан фойдаланмасин, асосий эътиборни куйидагиларга каратиши лозим:

1. Билимни бахолаш схемасини ишлаб чикиши лозим, мазкур схемасида назорат килинаётган соха мохияти ва даражаси узаро мўтаносиб бўлиши керак, курснинг максад ва вазифалари тулик камраб олиниши лозим;

2. Таълим натижаларини назорат килишда кўйиладиган бахолар баркарор бўлиши, уларнинг тасодифий бўлмаслигига эришиш чоралари курилиши зарур (аникликни таъминлаш учун).

Бунга эришиш учун билимни бахолашнинг муайян механизмидан фойдаланиш керак, масалан; кимё фанидан кўлланма.

Тест топширикларининг мохияти ва сони металл, нометалл элементлар, тузлар уртасида тенг таксимланиши, шунингдек ёдда саклаш, репродуктив ва продуктив фикрлаш даражалари хам ўзаро мутаносиб бўлиши керак.

Масалан, 48 та тест топширигини курс буйича 3 та тенг кисмга бўлиш хамда хар бир гурухга 16 тадан топширик киритиш мумкин:

- 4 та топширик ёдда саклаш даражасига доир;
- 9 та топширик репродуктивлик даражасига доир:
- 3 та топширик продуктивлик даражасига доир.

Шуни таъкидлаш лозимки, тест синовлари ўтказишдан олдин бахолаш даражаси аникланиши керак. Масалан, хар бир тўгри бажарилган тест топширири учун 1 балл, нотўгри жавоб учун 0 балл берилади. Агар тест



таркибида бир нечта тўгри жавоб берилган топшириклар бўлса, ёрдамчи индекслар асосида бахолаш даражаси белгиланади.

## Мавзуларга оид саволлар

1. Технология сўзининг маъносини айтинг?

2. Педагогик технологиянинг қандай таърифларини биласиз?

3. Педагогик технологиянинг қандай принципларини биласиз?

4. Таълимда ахборот технологиялари (ТАТ) таърифини айтинг?

5. Инсон фаолиятининг турли соҳаларини компьютерлаштириш деганда нимани тушунасиз?

7. ТАТ нинг аппарат, инструментал ва дастурий воситалари нималарни ўз ичига олади?

8. Видео ва аудио ахборотларнинг дидактик имкониятлари нималардан иборат?

9. Педагогик технологияларнинг қандай кўринишлари бор?

10. Педагогик технологияларнинг долзарблиги нимадан иборат?

11. Педагогик технология жараёни таркибига нималар киради?

12. Педагогик технологиялар қандай даражаларга ажратилади?

13. Педагогик технология қандай тавсифланади?

14. Педагогик технологиянинг қандай турлари мавжуд?

15. Тадқиқотнинг маъносини тушунтиринг?

16. Иннавацион технологияларнинг ижодий кобилиятларни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти қандай?

17. Жамоавий ўқитиш усулларида қандай тамойилларга амал қилинади?

18. Кичик гурухларда ишлашнинг қандай афзалликлари ва камчиликлари бор?

19. Кичик гурухларда ишлаш босқичларини айтинг?

20. Кичик гурухларда ишлаш методикаси ва уни қўллаш усулларини айтиб беринг?

21. “Чархпалак” “Бумеранг” технологияларда машғулот ўтиш тартибини тушунтиринг?

22. Тасвирий санъат машғулотларида “САН” технологиясидан қандай фойдаланиш мумкин?

23 “Ажил” технологиясини қўллаш усулини тушунтириб беринг?



## Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

2. Р. Ражабов, Ҳ. Султонов. Тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси. (методик қўлланма) Тошкент 2008.

3. Б.Б. Бойметов, Ў. Нуртоев “Тасвирий санъат технологияси ва нусха кўчириш” (методик қўлланма) Иқтисод молия нашриёти, Тошкент,2007.

4. Мухридинова “Таълимда ахборот технологиялари” (маърузалар матни)

5. А.Х. Қосимов, Ф.А. Холиқова, “Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар” (маърузалар матни) Тошкент–2004.

6. . Р. Ишмухамедов, А. Абдукодиров, А. Пардаев. Таълимда иннавацион технологиялар. Тошкент-2008.

7. А.М. Аҳмадалиева “Иннавацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар” (методик қўлланма)Тошкент–2006. 46–61 бетлар

## Атамалар изоҳи:

**Бумеранг** – (ўроксимон отиш куроли) карама карши таъсир

**Технология** – грекча сўз бўлиб, технос - санъат, маҳорат, логос- таълимот деган маъноларни билдиради.

**Эзотермик технология** – эзотермик ("англанмаган, билиб туриб") билимларга - ҳақиқат ва унга олиб борувчи йўлларга асосланган технология.

**Принцип** – юнонча - "princip" сўзидан олинган бўлиб, асос, дастлабки холат, бошкарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади.

**Эвристик** (ижодий кобилиятларни ривожлантириш) –

**Критерий** – фаолият ютукларини таснифлаш учун асос бўлган тизим ривожланишининг умумлашган кўрсаткичи. Кўрсаткичларни аниклаш учун бир катор белгиларни ажратишга мўлжалланган.

**Мотивация** – вазифани аниклайдиган баркарор сабаблар, хоҳишлар жамланмаси, фаолиятнинг мазмуни ва хусусияти.

**Аудиовизуал** – техник воситалар ёрдамида ўқитиш.

**Авторитар технология** – Бунда педагог ўкув тартибловчи жараёнининг асосий субъекти, талаба эса, факат объект сифатида катнашади. У талабалар - нинг эркинлигини бўғиши, мажбурий ўқитиш, ташаббусни бўғиш ва ўкув тарбиявий жараёнини каттик кўллик билан олиб боришга асосланади.

**Дидактоцентрик технология** - талаба шахсига эътибор бермаслик билан ажралиб туради. Бунда ҳам субъект-объект муносабат бўлиб, шахсни шакллантира олиш, дидактик воситаларидан иборат бўлади.

**Компетентлик** – эркин мулокот ва инсонийлик хислати, намунали хулк атворга эга ва юксак педагогик онг соҳиби бўлган ўқитувчи шахсининг педагогик фаолияти шаклланишини аниклаш учун керакли микдорда билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлиши.

**Креативлик** – шахснинг нисбатан турғун хусусиятидан ташкил топган ижодкорлик кобилияти, истеъдод даражаси.

**Таълим технологияси (педагогик технология)** – ўкув жараёнини лойиҳалаш, энг кулай таълим тизимини яратиш билан шуғулланадиган педагогика фанидаги янги йўналиш.

**Кластер** – умумий белгилари бўйича бирлашган объектлар гурухи.



## Мундарижа


Кириш ........................................................................ 4 бет

Педагогик технологиянинг принциплари, кўринишлари, даражалари, таснифи ........................................................................ 5 бет.

Янги педагогик технологиянинг асосий принциплари ..................... 5 бет

Педагогик технология кўринишлари ........................................ 6 бет

Педагогик технология даражалари ........................................ 8 бет

Педагогик технология таснифи ........................................ 9 бет

Педагогик технологияларнинг турлари ........................................ 14 бет

Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг долзарб масалалари ........................................ 20 бет

Талабалар ижодий кобилиятларини ривожлантиришдаги иннавацион технологияларни қўллашнинг ўрни, имкониятлари ва аҳамияти ...... 23 бет

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ва унинг тасвирий санъат дарсларидаги ўрни ........................................ 25 бет

"Чархпалак" технологияси ........................................ 32 бет

«Бумеранг» технологияси ........................................ 35 бет

"САН" технологияси ........................................ 37 бет

"АЖИЛ" (амалиётда жамоавий ижодий ишлар) технологияси ....... 38 бет

Тасвирий санъатни ўқитишда замонавий технологияларни қўллашнинг зарурияти ва мақсад, вазифалари ........................................ 39 бет

Тасвирий санъатни ўқитиш натижаларини баҳолаш тамойиллари .. 49 бет

Мавзуларга оид саволлар ........................................ 54 бет

Адабиётлар ........................................ 55 бет

Атамалар изоҳи ........................................ 56 бет

Мундарижа ........................................ 57 бет

## Содержание

Введение ........................................ 4
Цель и задачи использование современных технологий в обучения изобразительного искусства ........................................ 5
Принципы, виды, степены и классификации педагогических технологий ..14
Основные принципы новых педагогических технологий ........................ 14
Виды педагогических технологий ........................................15
Степень педагогических технологий ........................................18
Классификация педагогических технологий ........................................ 18
Традиционные и не традиционные педагогические технологии .............. 23
Актуальные задачи использование современных технологий на уроках изобразительного искусства ........................................ 26
Роль и возможности использование новых педагогических технологий в развитие творческих способности у студентов ........................ 30
Коллективные методы обучения и использование в занятиях изобразительного искусства ........................................ 32
........................................ 38
Вывод ........................................ 39
Технология "Мельница" ........................................ 44
Технология «Бумеранг» ........................................ 35
Технология "САН" (тройник – эффективный, моралный, любезный) ...... 35
Технология "АЖИЛ" (практические коллективные творческие работы) ........................................ 45
Принципы оценивание результатов в обучения изобразительного искусства ........................................ 47
........................................ 52
Вопросы по темам ........................................ 53
Литературы ........................................ 54
Термины ........................................ 55
Содержание ........................................



## Contents

Introduction 4
Purposes and problems use modern technology in education graphic arts 5
Principles, types, sedate and categorizations pedagogical technology 14
Cardinal principles new pedagogical technology 14
Types pedagogical technology 15
Degree pedagogical technology 18
Categorizations pedagogical technology 18
Traditional and not traditional pedagogical technologies 23
Actual problems use modern technology on lesson graphic arts 26
Roles and possibility use new pedagogical technology in development to creative abilities beside student 30
Collective methods of the education and use in occupation graphic arts 32
Conclusions 38
Technologies "Mill" 39
Technologies "Boomerang" 44
Technologies "SAN" (тройник - efficient, моралный, kind) 35
Technologies "AGIO" (practical collective creative work) 45
Principles оценивание result in education graphic arts 47
Questions on subjects 52
Literature 53
Terms 54
Contents 55

**Тасвирий санъатни ўқитишнинг замонавий технологиялари**

Муаллифлар: Ражабов Равшан Каримович.
Султанов Ҳайтбой Эралиевич.
Худойбердиев Пардабой Ўсканович

Масъул муҳаррир: Халилов Р.Ш.

Босишга рухсат этилди - __. __.2013 й. Ҳажми- 3,5 босма табоқ. Нусхаси - 300 дона. Буюртма - № . Баҳоси келишилган нархда.